1970 йил — Ленин юбилейи йили

БЕКОБОД МЕТАЛЛУРГЛАРИ, ЛЕНИН НОМЛИ СОВХОЗ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСЛАРИ КЕНГ ҚАНОТ ЁЙСИН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 5 (4252). | 8 январь, ПАЙШАНБА — 1970 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЛЕНИН ЙИЛИ ЗАФАР ЙИЛИ БЎЛСИН

1970 — улуғ Ленин юбилейи йили улкан одим, янги зафарлар билан бошланди. Ўтган йилнинг қувончли якунлари янги йилнинг дастлабки кунлари ғалабалари, яратувчилик ва ижодий меҳнат натижалари билан ҳамоҳанг бўлиб кетди. Ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, барча совет кишиларининг беш йилликнинг сўнгги йилидаги илк илҳомбахш меҳнати, ватанпарварлик ташаббуслари ҳар биримизнинг қалбимиз ва дилимизни олам-олам севинчларга тўлдирмоқда.

Йилимизнинг мазмуни, унинг серфайз, абадий ва унутилмас олтин саҳифалари шундан иборатки, бутун совет халқи, социалистик мамлакат меҳнаткашлари ва прогрессив инсоннят Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллигини, Улуғ Ватан урушида гитлерчи фашистлар устидан эришилган буюк ғалабанинг 25 йиллигини байрам қиладилар ва беш йилликнинг сўнгги йилига якун ясайдилар. Бу тарихий воқеалар, улкан режа ва марралар мамлакатимиз халқлари куч ва қудратини, ғайрат ва шижоатини янада ошириб, янги зафарларга сафарбар этиб юборди. КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги юбилейи муносабати билан эълон қилинган Тезислари йилимизнинг байроғи, жаҳондаги меҳнаткаш халқнинг қалб ҳарорати, марксизм-ленинизмнинг буюк тантанаси бўлди. Бу ғоят муҳим ва тарихий ҳужжат доҳиймиз В. И. Ленин ғоялари амалга ошаётганнинг, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик жамият қурилиши йўлида эришаётган оламшумул ғалабаларимизнинг ажойиб ифодасидир.

Советлар Ватанида миллионларнинг яратувчилик ишлари қудратли булоқдек мавж ураётган шу кунларда янги-янги ташаббуслар кенг қанот ёймоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бекободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводи билан Мирзачўл районидаги В. И. Ленин номли совхоз коллективларининг 1970 йил учун зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини маъқуллаб қарор қабул қилди. Бу коллективларнинг қимматли ташаббуслари шундан иборатки, улар В. И. Ленин юбилейини муносиб равишда кутиб олиш ва беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйдилар. Мажбуриятларда кўзда тутилган ишлар ниҳоятда катта ва масъулиятли бўлиб, республикамиз ишчилари синфининг авангарди ва етакчиси бўлган шонли металлургларга улкан ишларга маҳкам бел боғлаганликларини ҳамда қўриқ ерда янги ташкил этилган совхознинг азамат пахтакорлари юбилей йилида энг қимматли хомашё «оқ олтин» етиштиришни кескин қўлайтиришга аҳд қилганликларини кўрсатиб турибди.

— Нималар билан фахрлансак, қандай марраларга эришган бўлсак,— дейди металлургларнинг ҳаммаси Владимир Ильич Ленин номи билан чамбарчас боғлангандир. Биз ўз ҳаётимиз ва ишимизда Ленин васиятларига амал қиламиз, Ленин эса бизни ҳамиша муайян мақсад сари юксак унум билан меҳнат қилишга, ҳамма ерда ва ҳамма ишда резервларни излаб топишга даъват қилган эди.

Металлургларнинг доҳий юбилейи шарафига беш йиллик планни 10 декабргача, 1970 йил топширигини эса 25 декабргача бажариш, бу йил пландан ташқари бир неча юз минг сўмлик товар маҳсулоти, шу жумладан пўлат, сортли прокат ва тунука бериш, меҳнат унумдорлигини 1969 йилда амалда эришилганига нисбатан бир процент ошириш, 150 тонна металл, 175 тонна ёқилғи, 200 минг киловатт-соат электр энергияси тежаш, пландагидан ташқари 100 минг сўм фойда олиш, ҳозирги замон техникаси тараққиёти асосида мартен печи цехини реконструкция қилиш ва бошқа шунга ўхшаш энг муҳим тадбирларни амалга ошириш мажбуриятини олдилар.

Ленин номли совхоз коллективи юбилей йилида пахтаден улкан хирмон кўтариш, шу мақсадда қўриқ ерларни ўзлаштиришни янада давом эттириб, 5 минг гектар майдонни пахта экишга ажратиш, бу йил ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 20 центнердан ҳосил етиштириш, она-Ватанга 10 минг тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

Металлуглар ва чўлқуварларнинг бу олийжаноб ва ибратли ишлари ҳамма ерда қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Республикамиз, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари Ленин юбилейи йилини коммунистик қурилишда янги зафарлар йили қиламиз, деган аташин шиор билан майдонга чиқмоқдалар. Ҳозир ҳамма ерда КПСС Марказий Комитетининг В. И.Ленин юбилейининг 100 йиллигига Тезислари зўр эътибор билан ўрганилмоқда. Ватанпарварлик ташаббусларига янги-янги коллективлар, завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозлар, миллионларча кишилар «лаббай!» деб қўшилмоқдалар ва улар юбилей йилидаги ўз режа, план ва марраларини белгилаб олмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети барча ташкилий ва сиёсий ишларни, саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт, алоқа органлари, колхозлар, совхозлар ва республикамиздаги бошқа ташкилотлар меҳнаткашларини ҳалқ хўжалик планларини ва юбилей йили социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилишга даъват этади.

1970 йилда областимиз олдида турган вазифалар яна ҳам улкандир. Область Совети ижроия комитетининг яқинда бўлиб ўтган сессияси юбилей йили ҳалқ хўжалиги планини тасдиқлади. Унда келтирилган рақамлар, белгиланган режа ва тадбирлар, эгаллашимиз лозим бўлган юксак марралар, ниҳоят бу планнинг муваффақиятли бажарилиши областимиз экономикаси, ҳалқ хўжалиги ва маданиятини янада равнақ топтиради ва меҳнаткашлар моддий ва маданий фаровонлигини оширади. Айрим хўжаликлар юбилей йилининг дастлабки маррасига дадил қадам ташлаб, ўз меҳнат зафарлари билан элимизни хурсанд этдилар. Калинин районидаги Ленин номли ва Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозлари янги йил ҳисобига давлатга гўшт топширдилар, Бекобод металлургларги, Чирчиқ химиклари, Оҳангарон шахтерлари, Янгиўл саноатчилари, Олмалиқ ишчилари мингларча тонна янги маҳсулот ишлаб чиқариб, ҳалқимизга армуғон этдилар, Олмалиқ химия заводи ўлкамизнинг тиғаит корхоналари қаторидан муносиб ўрин ола бошлади.

Кенг меҳнаткашлар оммасининг меҳнат активлиги жўш урган ҳозирги пайтда барча ташкилий, партиявий, сиёсий ва ташкилотчилик ишларимиз, маҳорат ва қобилиятимиз 1970 йилнинг жанговар вазифаларини шараф билан бажаришга қаратилмоғи лозим. Кўпгина партия ташкилотлари Марказий Комитет Тезисларини омма ўртасида пропаганда қилиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиладилар. Докладчилар, агитатор ва пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар шаҳар ва районларда, саноат корхоналари, колхоз ва совхозларда, маҳалла ва аҳоли яшайдиган кварталларда амалий иш олиб бормоқдалар.

Йилимизнинг биринчи кунлариданоқ давлат планларини ошириб бажариш, мўл ҳосил учун ҳозирданоқ мустаҳкам замин яратиш, барча соҳаларда бир меёрда ишлашга эришиш, умумҳалқ социалистик мусобақаси, ватанпарварлик ташаббусларини кенг қанот ёйдириш — партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик органлари олдида турган муҳим вазифадир. Ҳамма ерда юксак партиявий, давлат интизоми бўлишига, социалистик мулкни кўз қорачиғидек асраб, давлат, эл-юрт манфаатини устун қўйишга эришайлик. Ишда бўшашувчиликка, манманлик, мақтанчоқлик, ваъдабозлик, мажлисбозлик ва бюрократизмга қатъий барҳам берайлик. Камтарлик, ташаббус кўрсатиб ишлаш, ғамхўр ва сезгир, талабчан бўлиш, намуна кўрсатиш, партиявийлик, кибрланиб кетмаслик, партия, ҳалқ ишига ҳамиша содиқ бўлиш, топширилган иш учун жавобгарлик ҳиссини сезиш, юксак онглилик — партия, совет, хўжалик эодими ва барча кадрларимизнинг асосий фазилати бўлмоғи керак.



АЛЕКСЕЙ Филин асли москвалик бинокор. У Тошкентда зилзила оқибатларини тугатиш учун бошланган умумхалқ курашига биринчилар қатори қўшилди. Ишбилармон бинокор ўнлаб каттакичик объектларни бунёд этишда фаол иштирок этди. У шу кунларда нормасини бир ярим бараварга етказиб бажармоқда. Суратда: электр пайвандчи А. Филин.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси

СОВЕТ ХАЛҚИ ЛЕНИН ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ, ИЖТИМОИЙ БОЙЛИКНИ ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ БИЛАН БОЙИТМОҚДА, СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИ, ФАН ВА МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРМОҚДА, СОЦИАЛИСТИК ВАТАННИНГ МУДОФАА ҚУДРАТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТЎҒРИСИДА ТИНМАЙ ҒАМХЎРЛИК ҚИЛМОҚДА, ИНСОНГА МУНОСИБ ҲАЁТ ҚУРМОҚДА.

(КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига». Тезисларидан).

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати коллективи бешйиллигининг сўнгги йилини меҳнатда ҳаҳши кўрсаткичлар билан якунлаш учун мусобақани тобора авж олдирмоқда. Ушбу суратда комбинатнинг йигирув фабрикасида меҳнат жараёни тасвирланган.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

ДЎСТЛАР ТАЖРИБАСИ АМАЛДА

БЕКОБОД, 6 январь. (ЎзТАГ), В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг прокатчилари бинокорлик арматураси йўғонлигини 0,1—0,2 миллиметр камайтирдилар. Бундай қарагандa ана шу рақам буюмнинг пишиқлигига таъсир кўрсатмайдиган кичик миқдор бўлиб кўринсада, аммо у йилига 2 минг тоннадан знёд металлни тежаб беради. Бу металл 200 дона ўрмаловчи трактор тайёрлаш учун ёки зилзилага бардош берадиган 10 та тўрт қаватли уй арматурасига бемалол етади.

Бундай ютуққа Челябинск ва Череповец металлургларининг орттирган тажрибаларини жорий қилиш туфайли эришилди.

Ўзбекистон металлургги ана шу таҳлитдаги пўлат арматуралар ишлаб чиқишга ўтиш натижасида шу йилнинг ўзида чорак миллион сўм фойда оладилар.

ИЛҒОР ЦЕХ

10-механика цехи келлективи Тошкент тракторсозлик заводининг пешқадам коллективларидан ҳисобланади. Цех ишчи-хизматчилари ўтган хўжалик йилида катта ютуқларни қўлга киритишди. Йиллик планни муддатидан деярли икки ой илгари бажаришди.

Меҳнатсеварлар беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам самарали ишлашяпти. Шу йилнинг ўтган кунлари учун белгиланган топшириқлар ортиғи билан адо этилди. Айниқса, Геннадий Алехин бошчилигидаги турли миллат ёшларидан ташкил топган бригада эришаётган ютуқлар мақтовга сазовор. Бригада аъзолари топшириқни 130—135 процентдан бажаришмоқда.

А. РАҲИМОВ.

МОСКВА ОҚШОМЛАРИ

Кремль курантлари бонг уриб, ҳур днёримизнинг бугунги куни ҳам кечагидек осойишта ва сермазмун ўтганидан далолат беради. Унинг улуғвор овози «Москва» меҳмонхонасига ҳам кириб келди. Турсуной Охунова девордаги соатга қаради. Ўн икки. У диванда ёнбошлаб олган Қумрининг ёнига келиб ўтирди.

— Роса миринқиб суҳбатлашдикми, Қумрихон, — деди Турсуной. — Вақт ҳам ярим кеча бўлибди. Энди дам оламиз. Эртага барвақт Съездлар саройига боришимиз керак.

— Турсуной опа, — ҳаяжонланиб гапирди Қумри, — ҳозир ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис қиляпман. — Унинг икки юзи чўғдек қизарган, кўзлари қувончга тўлиқ эди. — Ўн тўққиз ёшимда Москвага келаман, сиздек ишчан ва таниқли устоз билан учрашиб, бир хонада яшайман деб ҳаёлимга ҳам келтирмагандим...

... Машҳур механизатор, заршунослар юлдузи қандай қилиб моҳир механизатор бўлиб етишгани, бу йўлда чеккан машаққатлари тўғрисида рўй-рост гапириб берди. Техникани бошқариш сирларини тушунтириб, бу ўринда фойдали гапларни айтиб ўтди.

Навбат Қумрига келганида у гапни узоқдан бошлади.

— Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларим катталарга қизиқиб пахта теридим. 8-синфга ўтганимда бир воқеа юз берди. Ҳосил йиғим-терими абжига чиққан пайтда дугоналарим билан бирга далада пахта тераётган эдик. Орқадан пахта териш машинасининг овози эшитилиб қолди. Қарасам, уни қўшнимиз Қўлдош ака бошқаряпти. Машинанинг пахта теришига ҳаваси келди «Зангори кема» бункерига «оқ олтин» дурдоналари қордек ёғиларди. Қани энди ҳозир Қўлдош аканинг ўрнида бўлиб қолсам машинага ўтириб, тонна-тонна пахта терсам, дердим.

1965 йилнинг қиш фасли эди. Дугонам Ҳалима Сайфуддинова хушхабар олиб келди. «Колхозимизда ярим йиллик механизаторлар мактаби очилармиш» деди у. Қувонганимдан уйга қандай етиб келганимни билмай қолдим. Ойимнинг бағрига отилиб янгиликни айтгандим, «машина ҳайдаш қизларининг иши эмас» деб туриб олдилар. Акам Баҳодир ёнимга тушди:

— Ойи, розилик бера қолинг. Оиламизда бир механизатор чиқса ёмон бўлмайди. Мен ҳам ҳадемай педагогика институтини тугатаман. Кўрган-эшитганлар Муаззам холанинг ўғли муаллим, қизи эса механизатор бўлибди, дейишади...

Механизаторлар курсида ўқиш истагини билдирган қизлар беҳисоб эди. Район хўжаликлари бўйича 30 қиз йиғилдик. Машғулотларни ҳурматли ўқитувчимиз, республикада хизмат кўрсатган механизатор Мария Александровна Ковалева олиб борди. Жуда ҳам тажрибакор ва талабчан аёл экан. Бизларга пухта билим берди. Беш ой деганда пахта териш машинасини бемалол бошқарадиган бўлдим. Ўқиш тугагач, механик-ҳайдовчи деган гувоҳнома олдик. Кўп йиллардан бери кўнглимга тугиб қўйган мақсадимга эришганимдан жуда ҳам хурсанд бўлдим.

Кун сайин машинага бўлган меҳрим оша берди. Кунларимни колхоз устахонасида ўтказадиган бўлиб қолдим. Менга механик Умурзоқ амаким устозлик қилди. Улардан машинани тўғри бошқариш, унинг қисмларини сифатли ремонт қилишни билиб олдим. Шу ўртада мени колхоз комсомол ташкилотининг секретари қилиб сайлашди.

ЛАВҲА

1963 йилнинг август ойи эди. Комсомол йиғилишини ўтказиб, пахта кампаниясида ёшларнинг қатнашиши масаласини кўриб чиқдик. Мажлисдан сўнг раисимиз чақиртирган эканлар, идорага бордим.

— Қизим, сен уддабуррон чиқиб қолдинг. Техникани пухта ўзлаштириб олибсан, — деди раис Жура ака Икромов. — Энди йиғим-терим даврида мустақил ишлай оласан. Сени 2-механизациялашган звено бошлиғи Қўлдош Фозиловга ёрдамчи қилиб тайинламоқчимиз. Маъқулми?

Раисниг бу хушхабари менга роса қувонтирди. Шу йил Қўлдош ака билан ёнма-ён туриб машинада пахта тера бошладим. Баҳайбат машинани очиқ майдонда бошқариш билан карта ичида ҳайдашда катта фарқ бор экан. Бошида қийналдим. Устозим Қўлдош аканинг амалий ёрдами туфайли тез кунда ўзимни тутиб олдим. Мавсум охиригача 65 тонна «оқ олтин» теріб бердим.

1969 йилда мени 3-механизациялашган звенога бошлиқ қилиб тайинлашди. 45 гектар ерга яхши ният билан пахта эктик. Колхозимизда механизаторлар курси ташкил этилган эди. Пахтага ишлов бериш билан бир қаторда 20 қиз даврасида пахта териш машинасини бошқариш бўйича машғулот олиб бордим. Шу йил 85 тонна «оқ олтин» тердим. Звено бўйича гектаридан пландаги 25 ўрнига 28 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Ҳақиқий меҳнат кишини улуғлар экан. Пахта йиғим-теримида қўлга киритган ютуқларим учун колхозчилар менга катта ишонч билдириб, съездга делегат қилиб сайлашди.

... Ёш механизатор Қумри Абдуллаева областимиз машаъларги билан колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съездида бўлиб, халқимиз фаровонлигини янада оширишни кўзловчи муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларни ҳал этишда қатнашди. Съезддан сўнг Қумри бой таассуротлар билан ўзининг севимли қишлоғига, оиласи даврасига қайтди.

Яқинда у меҳнат қилаётган хўжаликка бордик. Идорада колхоз бош бухгалтери Саидусмон Парпиев билан учрашиб қолдик. Қумри Абдуллаева район ижроия комитетининг сессиясида қатнашиш учун марказга кетибди.

Сессия иши тугагач, Қумри билан учрашиб, Москвада, съездда олган таассуротлари ҳақида гапириб беришини илтимос қилдик.

— Биз ўзбек делегатлари, — деди Қумри, — съезд тугагач, В. И. Ленин Марказий музейида бўлдик. Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси залларини айландик. Ўзбек сойдатлари хизмат қилаётган қисмларда учрашувлар ўтказдик. Биз қаерда бўлмайлик, ҳамма бизни шоду хуррамлик билан қарши олди. Шунда пахтакор касби ниҳоятда шарафли ва улуғвор эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Ўз касбимга бўлган меҳру муҳаббатим ошиб кетди.

— Бу йилги режаларингиз қандай?

— Мен машинада пахта теришни пухта ўзлаштириб олдим. Энди бўлса пахтадан мўл ҳосил етиштириш устида ўйлаяпман. Ҳозир дала ишлари билан бандмиз. Пахтадан тозаланган ерларни сифатли шудгорлаб қўйдик. 1970 йилда ҳосилдорликни 28—30 центнерга етказмоқчимиз. Ўзим машинада 100 тонна пахта теріб беришни ният қилиб қўйганман. Бу менинг доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги байрамига совғам бўлади.

Бу ёш, жўшқин қалб эгаси келажакда моҳир механизатор, донгдор турсунойчи бўлиб етишишига ишонамиз. Қумрининг шу кунгача қилган меҳнат жасорати бундан далолат бериб турибди.

И. ЮСУПОВ,
Бўка район «Ленинизм» колхози.

ТАШАББУСНИ ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Мирзачўл районидаги Ленин номли совхоз ишчиларининг ташаббуси областимиздаги барча деҳқонлар кабн колхозимиз пахтакорларини ҳам руҳлантириб юборди.

Биз уларнинг бу тадбирларини ўз хўжалигимиз мисолида ҳам бемалол амалга оширсак бўладиган имкониятларимиз бор. Маълумки, колхозимиз пахтакорлари ўтган йили планни бажара олмай доғда қолишди. Агарда бор имкониятларимизни ишга солиб ишлаганимизда бундай ҳол юз бермас эди. Юбилей йилида яна камчиликларга йўл қўймаслик учун конкрет тадбирларни белгилаб чиқдик.

Мавжуд пахта майдонларимизнинг ҳаммасига минерал ўғитлар солиб шудгорлаб қўйганмиз. Ҳозир далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни қазиш, техника ремонти ишларини авж олдириб юбордик. Бешйилликнинг сўнгги йилини катта муваффақиятлар билан тугаллаш учун ҳамма тадбирларни кўраяпмиз.

А. ҚАРШИБОЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз раиси.

КАРИМА Сандқаримова чин ни заводининг пешқадам ишчиларидан. У ёш бўлишига қарамай ишда кўпгина ҳамкасбларига намуна бўлмоқда. Суратда: ўр тоқ К. Сандқаримова.

Ж. Раззоқов фотоси.

ОЛИМЛАРНИНГ ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

Башарият доҳийси В. И. Ленин туғилганига юз йил тўладиган кун тобора яқинлашиб келмоқда. Бу тарихий санага бутун мамлакатимиз халқлари, қолаверса, жаҳондаги барча соф ниятли кишилар қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

В. И. Ленининг номи олимлар учун ҳам мўътабар ва азиз. Буюк мутафаккирнинг илмий фаолияти фан аҳллари учун юксак намунадир. Ленин ўз амалий фаолияти-да умуман фанга, хусусан фалсафа ва ҳуқуқ билимига зўр эътибор берди ҳамда бу соҳага оид ўлмас асарлар яратди. У ревизионистлар ва оппортунистларга қарши курашда фалсафа ва ҳуқуқ фанларини қаттиқ туриб ҳимоя қилди ва уларни марксча тафаккур тараққиётида бутун бир давр очган янги ҳулоса ва қоидалар билан бойитди. У ўзининг доҳиёна ақл-заковати билан илм-фаннинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. Шарафли йўлни босиб ўтган совет фанида В. И. Ленининг ана шу ўлмас ғоялари ва режалари тўла мужассамланган.

Совет халқи тарихан қисқа муддат ичида ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида бўлгани каби илм-фанда ҳам улуғвор ютуқларга эришди. Ҳозирги вақтда фан жамиятимиз ҳаёти ва турмушига кун сайин сингиб бормоқда, унинг олга қараб зафарли ҳаракат қилишида негиз, қудратли куч бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукумати В. И. Ленининг фан ва техникани тобора юксалтириб бориш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, жонажон Ватанимиз фанини яна ҳам ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ҳозир мамлакатимизда сал кам бир миллионга яқин илмий ходим бўлиб, бу, сон жиҳатдан жаҳондаги жами илмий ходимларнинг тўртдан бир қисмига тенгдир. Совет олимлари фаннинг турли соҳаларида кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар, улар эришган ютуқлар эса ҳар бир эрксевар кишини қувонтирмоқда.

Совет олимлари, шу жумладан Ўзбекистон илм аҳлининг ҳам бугун диққат-эътибори кейинги вақтда шарафли ва олижаноб ишга — В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини илмда, фанда муносиб кутиб олишга қаратилган. Буни Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг олимлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Институтимиз коллективи фалсафа, логика, этика, эстетика, коммунистик ахлоқ, давлат, социалистик қонунчилик, ҳуқуқий тартиблар, Советлар ва шунга ўхшаш актуал соҳалар устида илмий текшириш ишлари олиб бориш билан бир вақтда В. И. Ленининг марксча давлат ва ҳуқуқ масалаларига доир илмий меросини ҳам чуқур ўрганишга алоҳида эътибор бермоқда.

Қуйида ана шу соҳалар бўйича қилинаётган ишларга қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Доҳий юбилейи олдидан институт партия ташкилоти раҳбарлигида ишлаб чиқилган тадбирларда файласуф олимлар олдига В. И. Ленининг фалсафий меросини, социалистик жамият қуриш ҳақидаги назарясини, унинг диалектик ва тарихий материализмни ривожлантиришга қўшган улкан улушини, фанда эришган табиий-илмий ютуқларни фалсафий умумлаштириб чиқарган хулосаларининг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш ишлари асосий вазифа қилиб қўйилди.

Шу муносабат билан файласуф олимларимиз махсус илмий монографик асарлар ёзиб нашр эттиришни ўз зиммаларига олишди. «В. И. Ленининг диалектик материализмни ривожлантириши», «В. И. Ленин ва тарихий материализмнинг баъзи масалалари» деган монографиялар шулар жумласидандир. Бу асарларда диалектика ва тарихий материализм муаммоларининг В. И. Ленин томонидан ҳал этилиб, янада ривожлантирилиши, шунингдек доҳийнинг табиатшуносликнинг фалсафий масалаларига доир таълимотлари ва уларнинг биология, бионика, математика, физика, кибернетика каби табиий фанларнинг ривожланишига кўрсатган таъсири каби масалалар устида фикр юритилади. Мазкур тадқиқот ишлари белгиланган муддатидан илгари ёзиб тугалланиб, ўз вақтида босмага топширилди. Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти бу китобларни юбилей арафасида китобхонларга совға қилади.

В. И. Ленининг фалсафий меросини ўрганиш юзасидан институтда олиб борилаётган ишларга академик Иброҳим Мўминов раҳбарлик қилмоқда.

Маълумки, В. И. Ленин асарларида умуман давлат, хусусан социалистик давлат ҳақидаги таълимот янада ривожлантирилди ва бойитилди. У Совет ҳокимиятининг чинакам демократик, халқчиллик хусусиятларини назарий асослаб берди. Бизнинг мамлакатимизда В. И. Ленин асос солган пролетар диктатураси умумхалқ давлатига ўсиб ўтди. Умумхалқ давлати шароитида Советлар фаолияти ўзининг юқори поғонасига кўтарилди. Булар ҳаммаси ҳуқуқшунос олимлар олдига муҳим вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди. Чунончи, В. И. Ленининг давлат ҳақидаги марксча таълимотни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини, Советлар пролетар диктатурасининг бир шакли эканлиги ва социалистик демократиянинг тантанаси, Совет давлати аппаратини ўқитириш ва уни ғаҳбарлик қилишнинг ленинчи принциплари тўғрисидаги таълимотни ўрганиш, В. И. Ленининг жаҳонда биринчи социалистик давлат қуришдаги ролини очиб беришни институтимиз ҳуқуқшунослари ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишди.

«В. И. Ленининг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги марксча таълимотни ривожлантириши» деб аталган монография ёзиб нашрга топширилди. Мазкур илмий ишда давлат ва ҳуқуқ назариясининг ленинча босқичдаги ривожланиш масалалари устида гап боради. В. И. Ленининг конституция, автономия ва федерация ҳақидаги, Советлар пролетар диктатурасининг шакли эканлиги, Совет давлат аппаратини ташкил этиш ва уни юргизишнинг принциплари Ўзбекистон республикаси материаллари асосида ёритилади. В. И. Ленининг социалистик ҳуқуқ назариясининг ривожланишига қўшган ҳиссаси, социалистик қонуншуносликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва гражданлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги ленинча таълимотларга кенг ўрин берилади.

«В. И. Ленин Советлар тўғрисида», «Миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари ҳақидаги ленинча ғоялар ва уларнинг амалга оширилиши» деган монографик асарларда В. И. Ленининг шу соҳага доир фикрлари кенг таҳлил этилади.

Ҳуқуқшуносларимизнинг бу борада олиб бораётган ишларига Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Ш. Ўразаев ва О. Эшонов етакчилик қилишмоқда.

Институт маъмурияти ва партия ташкилоти кенг меҳнаткашлар ўртасида В. И. Ленин илмий-ғоявий меросини пропаганда қилиш масаласига алоҳида эътибор бериб, тегишли тадбирларни белгилаб чиқди. Улуғ сана арафасида В. И. Ленинга бағишланиб, фалсафа, давлат ва ҳуқуққа оид назарий конференциялар ҳамда ёш олимларнинг конференцияларини ўтказиш мўлжалланмоқда.

Институт коллективи юбилейга тайёргарлик кўриш даврида республика аҳолиси ўртасида 700 та лекция ўқишга қарор қилган эди. Шундан қариб тўрт юзтаси В. И. Ленининг ҳаёти, фаолияти ва фалсафий-ҳуқуқий меросига бағишланади. Ўтган йилда институтимиз ходимлари «Билим» жамияти йўли билан турли мавзуда уч юзга яқин лекция ўқишди, шундан ярмидан кўпроғи В. И. Ленинга бағишланди. Ҳозирга қадар В. И. Ленинга атаб 15 га яқин брошюра ва 30 дан ортиқ лекция текстлари нашр этилди. Бу масъулиятли ишда олимлардан Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори М. М. Ҳайруллаев, юридик фанлар доктори, профессор М. Х. Ҳакимов, юридик фанлар кандидатлари Е. Аҳмедов, Э. Ҳакимов, фалсафа фанлари кандидати О. Ф. Файзуллаев ва бошқалар актив иштирок этишмоқда.

Ўтган йил давомида В. И. Ленининг 100 йиллиги муносабати билан фалсафий ва ҳуқуқ билимлари бўйича шаҳримизнинг Киров районида икки йиллик учта халқ университети жумладан, Янгиарик маҳалласида ҳуқуқшунослик, Бодомзор маҳалласида илмий атеизм университетлари ташкил қилинди. Университетларнинг икки йиллик иш планлари тузилиб ва Киров райони «Билим» жамиятида муҳокама этилиб, тасдиқланди. Университетларда тингловчиларга В. И. Ленининг илмий-ғоявий мероси асосида фалсафий ва ҳуқуқ масалаларидан минимум билим берилади. Университетларда ҳозир 300 дан зиёд киши таълим олмоқда, шу нарса қувонарлики, тингловчиларнинг ярмидан кўпроғи хотин-қизлардир.

Халқ университетлари ичида илмий атеизм университети бошқаларга намуна бўлмоқда.

Университетнинг 7 кишидан иборат илмий совети тузилган. Илмий совет ҳар ойда бир марта мажлис ўтказиб туради. Дастлаб университетга 50 киши қабул қилинган эди. Машғулотлар юқори савияда, қизиқарли ўтказилаётганлиги сабабли ҳозирги кунда доимий тингловчилар сони 100 кишига етди.

Университет маҳалла аҳолисининг кучи билан қурилган клубда жойлашган бўлиб, жуда яхши безатилган, атеистик бурчак ташкил этилган, «Маърифат учун» деворий газетаси чиқариб турилади.

Университет лекторлари лекция текстлари ҳам тайёрлашди. Н. Сандовнинг «В. И. Ленин дин ва унинг қолдиқларига қарши кураш ҳақида» (Ўз ССР «Билим» жамияти томонидан кўп нусхада бостирилиб чиқарилди), «Эътиқод нима ва қандай вужудга келган?», фалсафа фанлари кандидати Н. Умарохуновнинг «Янгича урф-одатлар ва маросимлар» темаларидаги лекция текстлари шулар жумласидандир.

Ана шу халқ университети фаолиятида институтимизнинг илмий атеизм сектори муҳим роль ўйнамоқда. Секторда (мудири Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари кандидати С. Э. Азимов) илмий атеизмнинг турли проблемалари бўйича илмий ишлар қилинмоқда. Бу ишлар асосан 3 йўналиш: ислом назарияси ва тарихи, ҳозирги шароитда ислом, диний саркўйларга қарши кураш ва илмий атеистик пропаганда самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилмоқда.

Аҳоли ўртасида диний эътиқод даражасини, характер ва мазмунини ҳамда унинг хусусиятларини аниқлаш юзасидан конкрет социологик кузатишлар олиб борилмоқда.

Институт ходимлари илмий атеистик пропаганда бўйича бошқа турли тадбирларда ҳам актив иштирок этмоқдалар. Илмий ходимлардан С. Азимов ва М. Усмонов республика атеист пропагандистлар кенгашида, ёш атеистлар семинарида мароқли докладлар қилдилар, Р. Тоиров ва А. Маслиев шаҳар партия комитетининг топшириғига мувофиқ Киров районидаги 12, 47-мактабларда, Алоқа институтида, «Юлдуз» фирмасида, асбобсозлик заводида атеистик пропаганданинг қўйилишини текшириб чиқдилар. Улар айни вақтда жойларда ишни яхшилаш учун қимматли маслаҳатлар бердилар ва бир қанча суҳбатлар ўтказдилар.

Юбилейолди тадбирлари ичида юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилган. Бу йил 6 фан доктори, 32 фан кандидати тайёрлаш мўлжалланган. Ҳозиргача 4 киши докторлик, 28 ходим кандидатлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлади. Яқинда яна 2 киши фан доктори, 6 ходим фан кандидати бўлади.

Институтимиз коллективи шу кунларда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан олган мажбуриятини шараф билан бажариш ниятида зўр шижоат билан ижодий меҳнат қилмоқда.

К. КОМИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти партия бюросининг секретари, юридик фанлар кандидати.

С. ОБЛОҚУЛОВ,
илмий ходим.

Редакцияга хат

ҲАҚЛИ ТАЛАБ

Областимиз қишлоқлари, посёлкалари йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Ҳашаматли турар-жой ва жамоат биноларга қад кўтаряпти. Йўллар асфальт қилинмоқда, хонадонлар газлаштирилиб, аҳоли водопровод сувларидан баҳраманд бўлишяпти.

Бошқа эди, уч мингдан ортиқ аҳолиси бўлган Қорахитой қишлоғида ҳам аҳвол ана шундай бўлса!

Фикримизнинг исботи учун бир неча мисол келтирамиз. 1957 йилда колхоз ўрнида совхоз ташкил этилди. Ана шунда кишилар чала қолган ҳаммом қурилиши энди ниҳоясига етса керак, деб ўйладилар. Аксинча, тескариси бўлиб чиқди. Колхоз томонидан пойдевори олиниб, қад кўтара бошлаган олти хонали ҳаммом қурилиши тўхтатиб қўйилди. «Бу ер тўғри келмайди, ҳаммомни бошқа жойга кўчирамиз» деб гап тарқатдилар. Яна бир ҳафсала қилинса, ишга тушиши мумкин бўлган ҳаммом бузиб ташланди.

Орадан олти йилдан ортиқ вақт ўтиб кетди. Совхоз илгариги олти хона ўрнига икки хоналик ҳаммом қурди.

Олти ой бўлдики, ҳаммомнинг эшиги очиқ турган вақтидан берк турган вақти кўп. Шу йил апрель ойидан сентябрь ойигача «сув йўқ» баҳонаси билан ҳаммом беш ой ишламади. Сентябрь ойи ичида икки-уч марта ишлаган эди, санитария-гигиена инспектори томонидан «ремонт қилинмагунча, ишлаши мумкин эмас» деб яна қулф солиб қўйилди.

Инспекторлар тўғри иш қилишган эди. Негаки, ечиниб-кийинадиган хона совуқ эди. Мана, ҳозир икки ой бўлдики, ҳаммом печатланганча тўрибди. Уни ремонт қилиб ишга туширишга ҳақида бош қотирадиган киши йўқ. Қишлоқ аҳолиси 10—15 километр узоқликдаги Оҳангарон ва Олмалиқ шаҳарларидаги ҳаммомларга қатнамоқдалар. Ҳаммом мудири Б. Пардаев бўлса, совхозга қарашли 30 сотих ердан фойдаланиб, парвойи фалак юрибди.

Совхозда боғча-ясли ҳам ҳозирги талаблар даражасида эмас. Бор-йўғи 35 ўринли боғча-яслини кенгайтириш, ёнига хоналар қўшиш ҳеч кимнинг эсига келмайди. Қишлоқда ишловчи ўқитувчи, медицина ходимлари ва бошқа хизматчиларнинг юздан ортиқ фарзанди учун боғча ва яслида ўрин йўқ. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги боғча ва ясли чакка ўтадиган бўлиб қолгани учун уч ойдан бери ишламайди.

Совхоз дирекцияси (директори У. Умурзоқов), қишлоқ Совети раҳбарлари (раиси ўртоқ С. Оллобердиев) аҳолининг ҳақли талабларига қулоқ солсалар, қишлоқни ободонлаштиришга эътибор бериб, жуда яхши иш қилган бўлар эдилар.

Т. ХУШНАЗАРОВ,
шахсий пенсионер.



ТОШКЕНТ трикотаж фирмаси коллективи орасида ишлаб чиқариш нормаларини муттасил ортиғи билан адо этаётган чеварлар сафи тобора кўпаймоқда. Сабохат Кенжаохунова ҳам шундай пешқадамларнинг бири. У нормасини доим ортиғи билан адо этади. Суратда: илғор тўқувчи Сабоҳат Кенжаохунова иш устида.
М. Нуриддинов фотоси.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

«Главташкентстрой» қурилиш ташкилотларида ўн минглаб комсомол-ёшлар тажрибали бинокорлар билан елкама-елка туриб меҳнат қилмоқдалар. Азим Тошкентни бунёд этишда улар катта ҳисса қўшмоқдалар.

Қурилиш ташкилотларида ишлаётган комсомол-ёшлардан 12 минг киши 43 ётоқхонада истиқомат қилади. Илғор қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари, партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари ўзларига бириктирилган ётоқхоналарда тез-тез бўлиб, комсомол-ёшлар ўртасида лекция ва суҳбатлар ўтказадилар. Кўпгина ётоқхоналарда зарур маиший шароитлар яратилган.

Бундай сиёсий тарбиявий ишлар ўз натижасини бераяпти. Қурилишларда меҳнат унумдорлиги бир мунча ўсди. Кейинги уч йил мобайнида кадрлар қўнимсизлиги икки баравар камайди. Минглаб комсомол-ёшлар турли спорт ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашмоқдалар.

Бироқ қурувчи-ёшлар ўртасида айрим ҳолларда жамоат тартибини бузиш, интизомсизлик ҳоллари ҳам рўй бериб турибди.

Бош бошқармага қарашли қатор қурилиш трестлари ва транспорт бошқармасига бириктирилган ётоқхоналарда социалистик яшаш қоидалари бузилмоқда. 8, 10, 14, 32, 39—ётоқхоналарда зарурий маиший шароитлар яратиб берилмаган. 4-трестга қарашли 12, 153-трестга қарашли 15, 2-механизация трестига қарашли 21-ётоқхоналарда ҳам аҳвол ниҳоятда ёмон.

«Главташкентстрой» ташкилотларининг яқинда бўлиб ўтган партия-хўжалик активида мана шу ютуқ ва камчиликлар тилга олинди. Янгилишда 153-қурилиш трести партия ташкилотининг секретари М. Орлов, 1-уйсозлик комбинатига қарашли ётоқхона тарбиячиси Г. Кочубей, қурилиш ва бинокорлик саноати корхоналари ходимлари область касаба союзлари комитетининг секретари Ю. Рустамов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб ёшлар ўртасида сиёсий тарбиявий ишларни яхшилашга қаратилган ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ш. УСМОНОВ.

ҲАЁТБАХШ МАВЗУ

Газеталар учун Ленин темаси ҳозир бош мавзу ҳисобланади. КПСС Марказий Комитетининг доҳий юбилейига тайёргарлик тўғрисидаги қарорида уқтирилганидек, партиянинг, барча совет халқининг улуғ устоз васиятларини амалга ошириш учун олиб бораётган курашини маҳаллий фактлар асосида ифодалаб бериш редакциялар олдида турган асосий вазифадир.

«Янгийўл» газетаси перспектив план асосида Ленининг ҳаёти, революцион фаолияти, доҳий ғояларининг яратувчилик кучини пропаганда қилишда бошқаларга намуна бўляпти. «В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги олдидан», «Ленин орденлилар ҳақида ҳикоя қиламиз», «Ленин номи билан», «Ленин элларда ва дилларда», «Ленинча меҳнат вахтасида» каби рубрикалар газета саҳифаларидан мустаҳкам ўрин олган.

Газетанинг 1969 йил сонларини варақлар экансиз, кўкоридаги рубрикалар остида босилган турли жанрдаги материаллар беихтиёр киши эътиборини ўзига тортади. «Қадрдон кўчам» сарлавҳали фоторепортаж (11 март) Ленин мавзуида берилган материалларидан бири.

Олмазор посёлкасидаги Ленин номли кўча ўз тарихига эга. Илгариги кўримсиз ва қороғу қишлоқ бугун Ильич ғоялари билан чароғон. Ҳамма янги ҳаёт гаштини суряпти. Марказий Ленин кўчаси бўйига тизилиб кетган кўркам турар-жойлар, қишлоқ профессионал-техника билим юрти, совхозтехникум, клуб, мактаб қишлоқ файзига файз қўшган. Бу ерда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, депутатлар, ишлаб чиқариш новаторлари, донгдор мутахассислар истиқомат қилишмоқда. Саҳифани эгаллаган фоторепортаж мана шу юксалиш, ўзгаришлар ҳақида газетхонларга қизиқарли ҳикоя қилиб берган.

Редакция доҳий номи билан аталувчи мактаблар, хўжаликлар ҳақида ўз ҳикоясини ижчил давом эттириб, 13 сентябрь сонида «Ленин йўлидан — бахт йўлидан» умумий сарлавҳаси остида қўш саҳифа берди. Қўш саҳифада Ленин номли колхоз мисолида доҳийнинг кооператив плани қандай амалга ошириладиганлиги ифодаланган. Редакция ходимлари бу мавзуга жиддий ёндошишган. 1929 йили тузилган хўжаликнинг босиб ўтган шонли йўлини қадамба-қадам анализ қилишга, коллектив меҳнат самараларини бўямай, бўрттирмай ҳаётий фактлар билан кўрсатиб беришга ургинганлар.

«Янгийўл» газетаси Ленин ғояларини пропаганда қилишда хўжалик қурилишидаги ютуқларни маданий революция ғалабалари билан бирга қўшиб ифодалашга қўпроқ эътибор қилган. Газета саҳифаларида босилган мақола ва лавҳаларнинг аксарияти қишлоқ маданияти, қишлоқ зиёлилари меҳнатига бағишланган. Жумладан, «Ҳорманг, устоз!» сарлавҳали лавҳа (14 август) фикримизнинг қадам орқага», «Демократик революцияда социал-демократларнинг иккн тактикаси» каби ўлмас асарлари ҳақида ҳам газетхонларга мазмунли маълумот берган. Доҳий ҳаёти ва революцион фаолиятига оид ҳар хил кечалар ва илмий-назарий конференциялар ҳисоботлари бериб борилаяпти.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, газета саҳифаларида босилган материаллар бир системада бериб борилмаганлиги дарров сезилади. Бу албатта авторлар доирасининг ҳийла торлигидан далолат беради. Газета саҳифаларида ТАСС материалларидан унумли фойдаланилгани ҳолда маҳаллий фактлар асосида ёзилган мақолалар камроқ кўринади. Айниқса колхоз қурилишининг ветеранлари, мутахассислар, ўқитувчилар активи газета саҳифаларида камроқ қатнашмоқда. Ленинча миллий сиёсат тантанаси, халқлар дўстлиги, қишлоқларни электрлаштириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизация лаш мавзуларида берилаётган материаллар сонини яна ҳам ошириш, бу соҳада кўпроқ мутахассисларнинг чиқишларини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

КПСС Марказий Комитетининг Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига атаб чиқарган Тезислари юбилей муносабати билан олиб борилаётган ғоявий тарбиявий ва пропаганда ишининг асосий негизи бўлмоғи лозим. Газета Тезисларнинг омма ўртасида кенг пропаганда қилиш билан бирга Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номли завод ва Мирзачўл районидаги В. И. Ленин номли совхоз коллективларининг ташаббусига қўшилган «корхоналар, колхоз ва совхозлар меҳнаткашларнинг ҳаётини ҳам тўлақонли қилиб ифодалаб бериши керак. У қишлоқ меҳнаткашларини КПСС XXIII съезди, партия Марказий Комитети Пленумлари қарорларини амала оширишга, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга отлантирмоғи, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдирмоғи лозим.

Матбуот обзори

далили бўла олади. Лавҳа муаллифи З. Ҳайриддинов райондаги Мичурин номли 15-мактаб директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Фатҳулла Пўлатовнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилади.

Газета турли жанрлардан фойдаланган ҳолда ленинча яшаб, меҳнат қилаётган янги жамият кишисининг ҳаётини, Ленин ғояларини тарғиб этишда ташаббус кўрсатаётган коммунистлар меҳнатини кенгроқ ёритишга алоҳида эътибор беряпти. Айни пайтда доҳийнинг илмий-назарий мероси ҳам кенг пропаганда қилинмоқда. Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири С. Бекеневнинг «Дилларда, тилларда — Ленин» (19 апрель), тарих фанлари кандидати А. Любцевнинг «Ҳозирги замонининг етакчи ғоялари» (23 август) каби мақолаларида Ленин ғояларини амалга ошириш туфайли қўлга киритилаётган муваффақиятлар қизиқарли ҳикоя қилинган. Газета доҳийнинг «Россияда капитализмнинг ривожланиши», «Нима қилмоқ керак?» «Бир қадам олга, икки қадам орқага», «Демократик революцияда социал-демократларнинг иккн тактикаси» каби ўлмас асарлари ҳақида ҳам газетхонларга мазмунли маълумот берган. Доҳий ҳаёти ва революцион фаолиятига оид ҳар хил кечалар ва илмий-назарий конференциялар ҳисоботлари бериб борилаяпти.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, газета саҳифаларида босилган материаллар бир системада бериб борилмаганлиги дарров сезилади. Бу албатта авторлар доирасининг ҳийла торлигидан далолат беради. Газета саҳифаларида ТАСС материалларидан унумли фойдаланилгани ҳолда маҳаллий фактлар асосида ёзилган мақолалар камроқ кўринади. Айниқса колхоз қурилишининг ветеранлари, мутахассислар, ўқитувчилар активи газета саҳифаларида камроқ қатнашмоқда. Ленинча миллий сиёсат тантанаси, халқлар дўстлиги, қишлоқларни электрлаштириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизация лаш мавзуларида берилаётган материаллар сонини яна ҳам ошириш, бу соҳада кўпроқ мутахассисларнинг чиқишларини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

КПСС Марказий Комитетининг Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига атаб чиқарган Тезислари юбилей муносабати билан олиб борилаётган ғоявий тарбиявий ва пропаганда ишининг асосий негизи бўлмоғи лозим. Газета Тезисларнинг омма ўртасида кенг пропаганда қилиш билан бирга Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номли завод ва Мирзачўл районидаги В. И. Ленин номли совхоз коллективларининг ташаббусига қўшилган «корхоналар, колхоз ва совхозлар меҳнаткашларнинг ҳаётини ҳам тўлақонли қилиб ифодалаб бериши керак. У қишлоқ меҳнаткашларини КПСС XXIII съезди, партия Марказий Комитети Пленумлари қарорларини амала оширишга, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга отлантирмоғи, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдирмоғи лозим.

ЯНГИ КАСАБА СОЮЗ ТАШКИЛОТИ

Республикамиз машинасозлик корхоналарининг 70 процентдан ортиқроғи Тошкент областида жойлашган. Уларда ўн минглаб ишчилар турли-туман агрегатлар, машина-механизмлар ишлаб чиқаришмоқда. Шу вақтгача машинасозлик саноати ишчилари касаба союзининг Тошкент область комитети йўқ эди. Раҳбар касаба союз органлари ана шундай комитет тузиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Яқинда машинасозлик саноати ишчиларининг биринчи касаба союз конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Ўзбекистон ССР Госплани машинасозлик бўлимининг бошлиғи ўртоқ С. Любашевский «Тошкент областида машинасозликнинг аҳволи ва унинг 1970-1975 йилларда ривожланиш истиқболлари ҳақида» доклад қилди.

Докладчи шуни таъкидладики, Тошкент областида трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, енгил, озиқ-овқат саноатлари ва рўзғор асбоблари, қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик корхоналари бор. Тошкент областида тайёрланаётган айрим буюмлар турлари Умумиттифоқ эҳтиёжини қондиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу ерда бутун мамлакатда тайёрланаётган пилталаш ва пахта териш машиналарининг 100 проценти, пишитиш агрегатларининг 35 проценти ва йитируз машиналарининг 25 проценти ишлаб чиқарилмоқда. «Э-304-В» маркали экскаваторлар, «ПК-10» маркали кўчма компрессор станциялари ва бошқа машина-механизмлар фақатгина бизнинг областимизда ишлаб чиқарилмоқда.

«Ташсельмаш» заводида тайёрланаётган пахта териш машиналари ўзининг конструкцияси, техника иқтисодий кўрсаткичлари ва мустаҳкамлиги жиҳатидан Америка машиналаридан юқори туради. Пахтачиликни комплекс механизациялашга ўнга яқин бошқа машинасозлик корхоналари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Шу билан бирга докладчи машинасозлик саноатини ривожлантириш, айрим машинасозлик корхоналарида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида батафсил тўхталди. Қатор корхоналарда янги техниками жорий қилиш ва меҳнатни илмий уюштириш планлари сust жорий қилинмоқда, сермеҳнат жараёнларни механизациялаш билан етарли шуғулланилмаяпти. Ҳали ҳам қўл кучи кўп ишлатилмоқда.

Музокараларда сўзга чиққан «Ўзбекхлопкомаш» заводининг слесари В. Чернишев, «Подъёмник» заводининг директори А. Абдуғаффоров, «Ўзбексельмаш» заводи комсомол комитетининг секретари С. Пўлатов, «Узбекхиммаш» заводи қозончилар бригадаси раҳбари П. Карпов ва бошқа ўртоқлар ўз коллективлари. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қандай қизиқтаётганликлари ҳақида гапирдилар. Шу билан бирга улар машинасозлик саноати ишчилари касаба союзи область комитети эътибор бериши лозим бўлган айрим масалалар тўғрисида тўхталиб ўтдилар.

Конференцияда Тошкент область машинасозлик саноати ишчилари касаба союзи область комитети, ревизия комиссияси аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, Тошкент область касаба союзларининг союзлараро VI конференциясига делегатлар сайланди.

Бўлиб ўтган биринчи пленумда область комитетининг президиуми сайланди. Ўртоқ К. П. Финансов машинасозлик саноати ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси, Н. А. Заварина секретари қилиб сайланди.

КАФЕДРА ТАДҚИҚОТЛАРИ

Улуғ доҳийимиз В. И. Ленининг бой маданий мероси илм-фан аҳллари учун ҳам катта илҳом манбаи бўлиб қолди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти олимлари ҳам доҳийнинг илмий-назарий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар.

Олий ўқув юртининг фалсафа кафедрасида бу соҳада қилинаётган ишлар эътиборга лойиқдир. Олимлар ёзган «Марксизм-ленинизм ҳаракати ва унинг моҳияти, йўллари ҳақида», «Ленининг «Фалсафа дафтарлари» ҳақида», «В. И. Ленин ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутларни тугатиш йўллари ҳақида» каби монография, брошюра ва мақолалар эълон қилинди.

Яқинда кафедра олимлари катта илмий тўплам тайёрлаб, нашрга топширдилар. Китоб 20 дан ортиқ мақолани ўз ичига олади.

„Янгийўл“ сейсмик станцияси

Янги йилда «Янгийўл» сейсмик станциясидан дастлабки хабар олинди. Бу станция ўтган йили қуриб битказилган эди. У энг янги сезгир аппаратлар билан таъминланган.

Бу сейсмик станция 1966 йилги зилзиладан кейин қурила бошлаган Тошкент геофизика полигони составидаги «Ер ости об-ҳавоси»ни кузатувчи бешинчи пунктдир. Келгусида полигондаги комплекс кузатув станциялари миқдорини икки баравар кўпайтириш мўлжалланади.

Тошкент геофизика полигони — мамлакатдаги энг йирик геофизика полигонларидандир. У ўн минг квадрат километр майдонни ўз ичига олади. Ана шу ноёб полигон қуриб битказилгач зилзила бўлишидан дарак берувчи аломатларни аниқлаш соҳасида жуда кенг кўламдаги комплекс тадқиқотларни йўлга қўйиш мумкин бўлади. Зилзила билан магнит электрик, гравитация майдонлари ўзгаришлари, ер ости электр ток майдонининг, ионосфера ҳолатининг ўзаро боғланишини ўрганиш юзасидан катта илмий ишлар бошлаб юборишга мўлжаллаб қўйилди. Полигонда ғоят аниқ такрорий геодезик ўлчовлар, ёғду ўлчаш ва ернинг оғишини тадқиқ этиш, чуқур қудуқлардаги иссиқ минерал сув кимёвий таркибини ўлчашни ўрганиш, геоакустик ва геофизик кузатишлар ўтказиш кўзда тутилади. Комплекс тадқиқотлар программасида ер пўстлоғининг секин деформацияланишини кузатиш кўзда тутилган.

Бу қадар кенг кўламдаги сейсмологик тадқиқотлар ер қаъри тўғрисида ҳаққоний маълумотлар олишга имкон беради, ҳозирча ҳал қилинмаган кўпгина масалаларга жавоб беради, зилзилаларни прогноз қилиш проблемаларини ҳал қилишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Полигон составига кирувчи станциялар кабелли алоқа линиялари системаси воситасида марказий «Тошкент» сейсмик станцияси билан боғланади. Бунарса, «Тошкент» станциясининг марказий бошқариш пультида Ўзбекистон пойтахти ва унинг атрофлари қаърининг аҳволи тўғрисида кечаю-кундуз маълумотлар олиб турилади.

Сейсмологлар Ўзбекистоннинг бошқа районларида ҳам тадқиқот ишларини кенгайтириб юборадилар. Сўнгги йилларда Қизилқумда, республиканинг жанубида янги сейсмик станциялар барпо этилди.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ МАКТАБ ҚУРИЛДИ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози территориясида янги мактаб биноси қад кўтарди. 8 синфхонадан иборат бу билим ўчоғида колхознинг 8, 9, 10, 11-бригадаларида турувчи ўқувчилар таълим олишмоқда. Суратларда: (чапдан) янги мактаб биносининг умумий кўриниши. 2-синфда машғулот пайти.

С. Махов фотолари.

Она-Ватан бўйлаб

МОРДОВА АССР. Бутуниттифоқ илмий-текшириш институтининг кичик габаритли галоген лампалари лабораторияси коллективи яқинда қуввати 5 ваттга тенг келадиган галоген лампаси конструкциясини ишлаб чиқдилар. Суратда: лабораториянинг бош инженери В. Волков галоген лампасининг қувватини текшириб кўрмоқда.

А. Овчинников фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

МОСКВА, СССР Фанлар академиясининг О. Ю. Шмидт номли Ер физикаси институтининг электромагнит бўлимида ерни магнит тортиш кучи масалалари бўйича бир қатор илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда. Изланувчан коллективга физика-математика фанлари доктори В. А. Троицкая раҳбарлик қилади. Суратда: В. А. Троицкая олинган маълумотларни анализ қилмоқда.

О. Кузьмин фотоси.

КЎПЛАБ КЎЧАТ ЭКИЛЯПТИ

Шу кунларда областимизда кўчат ўтқазиш ишлари қизғин бормоқда. Яхши ният билан боғ ташкил этиш, хиёбонларга гул кўчатлари ўтқазиш, ариқ четларига мевали ва декоратив дарахт кўчатлари экиш ишлари авжида.

Тошкент мевачилик ва кўчатчилик совхозининг азамат боғбонлари ҳар йили куз ва кўкламда колхоз ва совхозлар, саноат корхоналари, аҳоли учун минг-минглаб туп мевали серҳосил мева кўчатлари етказиб беришяпти. Бу йил ҳам совхоз коллективи доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини меҳнатда ёрқин юз билан кутиб олиш ниятида ўзаро социалистик мусобақани авж олдиришди. 6 гектар майдонда етиштирилган ток қаламчалари хўжаликларга юборилянти. Шу кунгача 360 минг туп ток кўчати ковлаб олинди. Улар яна белгиланганидан 120 минг туп ортиқ ток кўчати етказиб берамиз, дедилар.

Хўжаликда меванинг ҳамма тури: беҳи, олма, нок, шафтоли, узум кўчатлари етиштирилади. Талаб кўплигидан ишлар икки сменада олиб борилянти.

Механизатор Абдукарим Турсунов ҳар куни 0,40 ўрнига 0,55 гектар майдондаги кўчатларни ўз «пўлат от»и билан авайлаб кўчирянти. Д. Яхина бошлиқ звено аъзолари ҳам ленинча меҳнат вахтасида ишлаб, Оржоникидзе, Бўстонлиқ ва областимизнинг бошқа район хўжаликларига 60 ўрнига 88 минг тўп «Қоракишмиш», «Баян-ширин», «Нимранг» каби навли узум кўчатлари етказиб бердилар.

Т. Эргашев, З. Султонов, Т. Мақсудов каби қўли гул боғбонлар кўчат етиштиришда ҳам, уни қазиб олиб, хўжаликларга жўнатишда ҳам бошқаларга ўрнак бўлаяптилар. Ҳозиргача 9 минг туп шафтоли кўчатини экиш учун тайёрлаб қўйилди, келгуси йил учун 1 миллион 300 минг туп ток қаламчаларини экиб қўйдилар.

И. РУСТАМОВ,
Н. АБДУРАСУЛОВ.

305 МИНГ ДОНА ТУХУМ

Янгийўл районидаги инкубатория-паррандачилик станцияси паррандачилари давлатга тухум сотиш йиллик планини муддатидан анча илгари 101,6 процент қилиб ado этишди.

Станция ходимлари аҳолига пландаги 300 минг дона ўрнига 305 минг дона тухум етказиб бердилар. Бу ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан 6 минг дона кўпдир.

М. ПЕЙСЕНОВ.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

Жанг ҳамма ерда борарди. Ғанитой бир неча кундан буён тўхтовсиз жанг олиб бораётган ўз қисми билан душманнинг Москва томонга интилаётган қисмларининг йўлини тўсиб турди. Ҳар куни қон тўкилиб, кўп дўстлар сафдан чиқиб турарди. Ғанитой хизмат этаётган полкдан озгина кишги қолди. Темир йўл станцияси яқинида душманга қаршн қаттиқ жанг бошланиб кетди. Душманнинг юзга яқин солдат ва офицери қириб ташланди.

Полкдан омон қолган жангчилар Шарқ томон борар эдилар. Кундузлари пана жойларда дам олиб, кечалари йўлга чиқар, гоҳида душман пистирмасига дуч келиб, жанг бошланиб кетарди. Улар ўз қисмларига бориб, қўшила олмадилар. Ҳамма йўлларни душман қўшинлари эгаллаб олган эди. Душман орқасида туриб, унга зарба беришдан бошқа илож қолмади.

Ойлар ўтди. Бир куни Ғанитой дўстлари билан душман автоматчиларига дуч келиб қолди. Жанг йўл четкасидаги қишлоқда бошланиб кетди. Ғанитой ёвни мўлжалга олиб, тумшугини суққан жойда ер тишлатарди. Жанг кечга яқин яна авжга кирди. Бир маҳал Ғанитойнинг баданини бир нима қуйдириб ўтгандай бўлди. Кўп ўтмай ағдарилиб тушди. Кўзини очса, ўрмон ичидаги қишлоқнинг нотаниш бир уйида ётибди. Қуршовда қолган дўстлари уни хавфсиз бу хонадонга қолдириб кетибдилар.

Хонадон эгаси Ксения Ивановна Колягина деган кекса аёл эди. Аёл уни ўз фарзандидай парваришлаб, фашист исковичлар кўзидан эҳтиёт қилди.

Ксения Ивановна атрофдаги ўрмонларда партизан отрядлари тузилаётганлигидан хабардор эди. Унинг уйига партизанлар билан алоқа боғлаган Жорик деган йигит озиқ-овқат олиш ва разведка мақсадида келиб турарди.

Жорик келиб турадиган таниш ва ишончли уйнинг болҳонасида бир ярадор жангчи ётганлигини пайқаб у билан танишди. Бу ярадор жангчи Ғанитой эди. Ғанитой ёнидаги милтиғини қўлига олиб, чўккала тушиб ўтириб олди. Жориндан қўшинларимиз ҳозир қаерда деб сўради. Жорик Минскдан анча олисда, Москва томонда жанг олиб бораётганлигини айтди.

— Соғайиб оёққа турсам, йўлга чиқаман. Ўзимизникилар қаерда бўлмасин, бориб қўшиламан, албатта,— дейди шунда Ғанитой.

— Ҳамма йўлларни душман эгаллаб олган. Энди улар билан бошқача курашамиз,— деди Жорик.

— Нима қилиш керак?— деб савол назари билан қаради Ғанитой.

— Шу яқин ўртада партизанлар отрядлари тузилмоқда, шуларга бориб қўшиламиз. Партизанлар ҳаракатига Москва, шунингдек Белоруссия Компартияси Марказий Комитети раҳбарлик қилмоқда,— дейди Жорик. Сўнг деразадан кўриниб турган олисдаги ўрмонни кўрсатади,— хоҳласанг, ҳов ана у ерга олиб бораман. У ерда партизанликка қўшилган сен-у, менга ўхшаган йигитлар бор.

— Аввал сен бориб, командиринг билан гаплашиб кел. Мен чўлоқ одамман. Кўнса, кейин бораман,— деб жавоб қайтарди Тошниёзов.

Жорик ўрмонга кетди. Партизанлар отрядини ташкил этаётган Владимир Павлович Дерябинга мурожаат этиб, қишлоқда Ксения Ивановна уйида бир ярадор жангчи ётганини, у партизанларга қўшилишга ҳоҳиш билдираётганини, лекин ҳали бутунлай тузалиб кетмаганлигини хабар қилди. Жорик Дерябинга ярадор жангчи ўрта осиёликка ўхшайди, сиз тошкентликсиз, балки у йигит сизга ҳамшаҳар чиқиб қолар, дейди.

Дерябин партизан врач Юзбашиянни Жорик билан бирга қишлоққа юборибди, ярадор жангчини ўрмонга олиб келишни тайинлади. Чунки Ғанитой ётган қишлоққа фашист жазо отрядлари бир-икки бор келиб кетганлигидан хабардор бўлган эди.

Шундай қилиб Ғанитой 1942 йилнинг апрель ойида «Искра» партизанлар отрядига келди. Отряд командири В. П. Дерябин Ғанитойга пешвоз чиқиб, у билан кўришиб, ўзбекчалаб:

— Қаерликсиз?— деб сўради.

— И-я, ҳамшаҳарга ўхшайсизку, ўзбек тилини яхши билар экансиз-ку, мен—тошкентликман,—деб хурсанд жавоб қайтарди Ғанитой.

— Мен ҳам тошкентликман.

Ғанитой оқсаб ўрнидан туриб Дерябинни қаттиқ қучоқлади.

Дерябин шердай кучи бор бу йигитнинг қўлларини маҳкам қисиб, ерга оҳиста ўтқазиб, ўзини таништирди:

— «Искра» партизанлар отрядининг командири Владимир Павлович Дерябин. Дўстлар мени Володя деб ҳам чақиришади.

— Мен эсам бугундан бошлаб «Искра» партизанлар отрядининг жангчиси Ғанитой Тошниёзов бўламан,— деб жилмайиб честь берди Ғанитой.

— Сени Гриша деб атаймиз, хўпми,— деди Дерябин,— осонроқ айтилиши учун шундай бўлгани соз, нима дейсан?

— Қандай атасаларинг, атай берінглар, майли, лекин мени бошқа биров билан адаштириб юбормасаларинг бўлгани,— деди ҳазиллашиб Ғанитой.

— Хўп бўлади, ҳамшаҳар дўстим,— деди Володя.

— Мен бу ерга даволаниш учун келганим йўқ. Қишлоқда, ҳурматли Ксения холаникида ҳам даволанишим мумкин эди. Менга «иш» беринг. Бекор ўтирмай,— илтимос қилди Ғанитой командирга.

— Сенга «иш» топилиб қолар. Мунча шошилмасанг,— бир оз ўйланиб Дерябин ташқарига қараб,— ҳайр майли, ҳой Миша!— деб қаршидаги ертуладан чиқиб келаётган жангчини чақиради. Сўнг унга тайинлайди,—бу йигитга қўпорувчилик ишини ўргатасан. Соғайса, кейин бирга бўласизлар.

— Миша Маликов,— деб ўзини таништирди жангчи ва Ғанитойга тезроқ тузалишини истаб,— сиз оёққа тургунча, сизни қўрқмас қўпорувчи қилиб етиштириш менинг бўйнимда.

— Бўпти огайни, қани ҳозирдан бошлай берайлик,— деди ғайратланиб Ғанитой.

Дерябин Мишани Ғанитой ёнида қолдириб ташқарига чиқди.

Ғанитой Миша Маликов билан лагерни айланиб, партизанлар ҳаёти билан танишди. Бир неча ойлик сарсон-саргардончиликдан кейин ўз кишилари, жанговар дўстлари орасида эркин нафас олиб, душманга қарши жангга тайёргарлик кўриш унга янги куч ва янги ғайрат бағишлади.

Лагерь ҳаётидаги ҳар бир иш уни қизиқтирарди. Ғанитой лагерда қурол-аслаҳа тайёрлаш устахонасини кўрди, у ерда ўқ-дори бошлиғи Петр Шляпник билан таниш-ди. Ундан миномёт миналари, автоматлар, ҳатто замбараклар тайёрланиб, улардан жангда яхши фойдаланиб келинаётганлигини билди.

Ўрмондаги партизанлар қароргоҳи худди асаларининг уясини эслатарди. Бир хил кишилар топишдинг, энди бирга йўлга чиқамиз, фашистларнинг боплаб адабини берамиз,— деди.

— Володя,— деди вазминлик билан сўз бошлаб Ғанитой,— тузалиб қолдинг, бирга йўлга чиқамиз, деяпсан. Йўлга чиқишнинг ҳар хил йўли бор. Мени қандай ишга юбормоқчисан?

— Ўзинг нимани хоҳлайсан?— деди Дерябин ҳамшаҳарига эътибор билан назар ташлаб.

— Мен яраланиб, қанча вақтдан буён душман билан ҳисоб-китоб қилолмай юрибман. Мени каттароқ «иш»га юборавер. Ё чанг-им чиқади, ё донгим,— деди Ғанитой ҳазиллашиб дўстига.

— Замбаракка қўяйми, бўлмаса,— деди Володя.

Ғанигой ер остидан синовчан кўз билан дўстига жилмайиб қараб, йўқ, дўстим,— деди, сўнг бошини баланд кўтариб ўқтирди:

— Мен портлагич тайёрлашни ўрганиб олдим. Мени душман эшелонларини портлатувчи диверсия группасига юбор. Зангар фашистларнинг кулини кўкка совуриб хумордан чиқай.

— Бўпти, огайни,— деди Дерябин ўзбекчалаб,— сени олов комсомол Коля Новиков группасига қўшиб жангга юбораман. Улар сен хоҳлаган ишларнинг устаси.

1942 йил сентябрь ойининг дастлабки кунлари эди. Коля Новиков ўз группасидаги Ғанитой Тошниёзов, Морозов, Атаманов ва Проваленток ёнига чақириб, темир йўл эшелонини портлатиш ҳақида топшириқ олганлигини айтди. Кечаси у тўрт партизан йигит билан биргаликда Минск—Борисов темир йўли яқинидаги ўрмонда қулай жойни ахтара бошлади. Партизанлар панада туриб, темир йўлни кузата бошладилар. Темир йўл тақиллаб, душман поезди гилдиракларидан фарёд чекаётгандай безовта эди. Германиядан ўқдори ва ҳарбий техника ортилган эшелонлар тақа-тақ-тақа-тақ этишиб, шарққа — фронт томонга ўтиб турарди. Темир йўл изи бўйлаб қуролланган гитлерчи соқчилар қузғундай қора кўланка ташлаб, у ёқдан — бу ёққа ўтиб туришарди.

Портлатувчилар группасининг бошлиғи Коля Новиков Ғанитой билан Морозовни ёнига чақириб, ўрмон четидан ўтган темир йўл изини кўрсатди:

— Тол зарядини ўша ерга алтиб кўмасизлар. Бирларинг из остини очиб, иккинчиларинг портлагични ўрнатиб, атрофни навбат билан кузатиб, иш қиласизлар. Сўнг шнур эсдан чиқмасин, уни зарядга яхши ўрнатиб, бу ёққа олиб келишни унутманглар.

— Хўп бўлади, айтганларингизни бажо келтирамиз,— деб бир пуд келадиган тол зарядини Ғанитой халтачага жойлаб, елкалаб олди, сўнг Морозовга имо қилиб, қани юр, кетдик, деди. Улар шу заҳотиёқ тун қоронғусида йўлга бўлишди. Коля, Илья Атаманов, ва Проваленток қуролларини жангга ҳозирлаб турдилар. Агар душман соқчилари қўққисдан дўстлар ёнида пайдо бўлиб қолишса, уларни ўқ билан даф этишга тайёр турдилар. Бир маҳал Ғанитой билан Морозов терлаб-пишиб қайтиб келишди. Ҳамма иш жойида, «меҳмон»ни кутиш қолди, холос, деди Ғанитой Колягa.

Беш қасоскор зарядни ўт олдиришга тайёр туриб, душман йўлини тоқатсизлик билан кутарди. Бир маҳал олисдан, ўрмон орқасидан паровознинг оғир ҳансираши эшитилди. Коля шнурни қўлида тутиб, зарядни ўт олдиришга тайёр турарди. Темир йўлда эшелон кўринди. Паровоз тол кўмилган жойга етиб келганда, Коля шнурни тортиб, зарядни ҳаракатга келтирди. Кучли портлаш қўтарилди. Биринчи бўлиб паровоз ағдарилди. Унинг орқасидан вагонлар умбалоқ-думбалоқ оша берди. Кимдир ағдарилган вагонларни санаб чиқиб, оғайнилар 10 тасини асфаласофинга жўнатдик деди. Коля ўрнидан қўзғалиб,— йигитлар энди тез орқага, лагерга!— деб буйруқ берди.

Адҳам РАҲМАТ,
НАЗАРМАТ

(Давоми бор)

(Боши газетамизнинг 7 январь сонида)

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИ ЧЕХ ТИЛИДА

ПРАГА, 7 январь. (ТАСС). Чехословакия халқ нашриёти яқинда Прагада оппоқ муқовада чиройлик қилиб безатилган китобчани нашр этди. Чехословакия халқ нашриётининг янги йилда чиқарган бу китобчасида В. И. Ленининг ўз онасига ёзган мактублари чех тилида тўплам қилиб чиқарилди. Революция улуғ доҳийсининг Совет Иттифоқида нашр этилган асарлари тўпламидан олинган бу мактублар Владимир Ильич Ленин таржимаи ҳолининг ва унинг Россияда ҳамда чет элларда олиб борган революцион фаолиятининг айрим тафсилотлари тўғрисида кенг, мукаммал изоҳ берилган.

УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ЛАГОС, 6 январь. (ТАСС). Нигерия федерал ҳукуматининг қўшинлари сепаратчилар қўлида бўлган сўнгги йирик шаҳар — Оверри шаҳри районида шиддатли жанглар олиб бормоқдалар. Бу ерда олинган маълумотларга кўра, федерал қўшинларнинг илғор қисмлари шаҳардан бор-йўғи 5 миля нарида турибдилар ва муваффақият билан олга ҳаракат қилиб бормоқдалар. Федерал ҳукумат ҳарбий ҳаво кучлари Оверрини бомбардимон қилдилар.

АРАВИЯ ярим оролининг шарқий соҳилида Катар ярим ороли ороллда жойлашган. Манама Бах рейнининг пойтахтидир. Суратда: Бахрейн — ана шу ярим мазкур шаҳарнинг марказидаги бозорни кўриб турибсиз.

Р. Мосеев фотоси, (ТАСС).

ВЬЕТНАМДАГИ УРУШГА ҚАРШИ

УЛАН-БАТОР

«Унэн» газетаси «Вьетнам халқининг кураш ва ғалабалар йили» сарлавҳали бош мақоласида бундай деб ёзади: Ўтган 1969 йил Вьетнам халқининг Америка империализми агрессорларига қарши озодлик кураши тарихида шонли йил бўлди. Жанубий Вьетнамнинг мард ватанпарварлари, Вьетнам Демократик Республикасининг қаҳрамон халқи ана шу адолатли курашда янгидан-янги ғалабаларга эришдилар. Жанубий Вьетнам Республикаси ташкил топганлиги,дунёдаги кўпгина мамлакатлар бу республикани таниганлиги фикримизнинг ёрқин исботидир.

Вьетнам халқининг ўз ватанини ажнабий босқинчилардан озод қилиш учун олиб бораётган курашн, деб таъкидланади мақолада, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун инсоннят олиб бораётган курашнинг таркибий қисмидир. Бинобарин, бу адолатли курашни бутун инсоннят қизғин қўллаб-қувватламоқда.

ЛОНДОН

Шотландия тред-юнионлар конгрессининг бош кенгаши АҚШнинг Вьетнам халқига қарши агрессияси тўхтатилсин, деб Америка ҳукуматидан талаб қилди. «Морнинг стар» газетасининг хабар беришича, Шотландия тред-юнионлар конгрессининг бош кенгаши эълон қилган мурожаатда Сонгмидаги тинч аҳоли ялписига қирғин қилинганлигига доир фактлар «Америка қўшинлари озодликни ҳимоя қилиш учун Вьетнамда турибди, деган даъволарни батамом фош қилди» деб таъкидланади. Бу мурожаат бевосита Америка ҳукуматининг ўзига юборилади. Бош кенгаш, дейилади баёнотда, АҚШ ҳукуматининг Вьетнамдаги Америка қўшинлари бундай ёвузликлар қилишга йўл қўймаслик чораларини кўришини талаб этади.

НЬЮ-ЙОРК

Америка жамоатчилигининг кенг қатламлари Вьетнамдаги урушдан норозилик билдирмоқда. Жамоатчилик фикрини билиш учун яқинда ўтказилган сўроқ натижалари ана шундан далолат беради. 30 ёшга етмаган тўрт мингдан ортиқ американликка савол берилганида, уларнинг 42 процента ва савол берилган ҳамма негрларнинг 41 процента Жанубий Вьетнамдаги Америка қўшинларини дарҳол олиб чиқиб кетиш зарурлигини айтганлар.

(ТАСС).

ҚАТТИҚ КУРАШ НАТИЖАСИДА

ВЕНА, 6 январь. (ТАСС). Австрияда меҳнат тўғрисидаги янги қонун кучга кирди. Бу қонунга биноан, иш ҳафтаси давомати 45 соатдан 43 соатгача қисқартирилди. Бу Австрия меҳнаткашлари иш ҳафтасининг қисқартирилиши учун 25 йилдан бери олиб борган қаттиқ курашининг натижаси бўлди.

Австрия компартиясининг органи — «Фольксштимме» газетаси янги қонуннинг ижобий аҳамиятини уқтирар экан, у муайян маъюда корхона эгаларн билан муросасозликдан иборат бўлганлигини ҳам кўрсатиб ўтди.

ЖАЪФАР НИМАЙРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ҚОҲИРА, 6 январь. (ТАСС). Судан революцион кенгашининг раиси Жаъфар Нимайри МЕН агентлигининг мухбири билан суҳбатда Исроил билан ўт очишни тўхтатиш чизиғида жойлашган араб давлатлари бошлиқларининг шу ой Қоҳирада ўтказилиши керак бўлган кенгаши февралга қолдирилганлигини айтди.

Судан революцион кенгашининг раиси араб давлатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг декабрь ойида Работда бўлиб ўтган кенгаши хусусида тўхталиб, кенгаш араб халқлари кутган нарсаларнинг ҳаммасига бўлмаса-да, муайян натижаларга эришганлигини айтди. Нимайри араб мамлакатларининг мудофаа қобилияти мустаҳкамланаётганлигидан ташвишланган Исроил яқин вақтлар ичида уларни янги уруш гирдобига тортишга уринаётганлигини ҳам айтди.

ИСПАНИЯНИНГ МЕҲНАТ АҲЛИ ИШ ТАШЛАДИ

ПАРИЖ, 6 январь. (ТАСС). Испанияда катта забастовка ҳаракати бошланиб кетди. Мамлакат ишчилари меҳнат шароитлари ва иш ҳақи яхшиланишини талаб қилиб, ҳар йиллик коллектив шартномалар яна тузилишига интилмоқдалар.

Франс Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, ҳозир Австрияда сўнгги беш йил мобайнида энг катта забастовка ўтмоқда. Масалан, кеча бу ерда сал нам 20 минг шахтёр ишга чиқмади. Қадис шаҳри районида қишлоқ хўжалик ишчиларидан 10 минг киши иш ташлаб турибди. Улар билан бирдамлик белгиси сифатида бинокорлардан 5 минг киши ишини тўхтатди. Кадис шаҳрининг ўзида кемасозлик корхоналарининг ишчилари забастовка бошладилар.

АГРЕССОРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 6 январь. (ТАСС). Исроилнинг АҚШдаги ҳомийлари, жумладан, ҳукмрон республикачилар партиясининг арбоблари Исроил агрессорларига Америка ёрдами беришини ва уни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш йўлида актив ҳаракат қилмоқдалар.

Нечa Филадельфияда республикачи сенатор Швейкер (Пенсильвания штатидан) АҚШни «Исроилни бақувват ҳолда сақлашга» чақирди. Яқин Шарқдаги можарони «бартараф этиш» юзасидан Исроил қўйган шартларга араб мамлакатлари розилик бермагунларича Исроил босиб олинган араб территорияларидан жўнаб кетишни рад қилаверишни ҳам сенатор қўллаб-қувватлади.

Спорт

БУ ЙИЛГИ ФУТБОЛ

БИРИНЧИ ЎИН 15 МАРТДА

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети мамлакат футбол федерациясининг бу йилги чемпионатни ўтказиш тартиби ҳақидаги таклифларини тасдиқлади. «А» класси командалари учта группада: олий, биринчи ва иккинчи группаларда мусобақалашадилар. Олий группа 17 командадан: ўтган йилги чемпионатда дастлабки 16 та ўринни эгаллаган коллективлар ва «А» класси иккинчи группаси ўртасида ўтказилган мусобақалар ғолиби бўлган Оржоникидзе шаҳрининг «Спартак» командасидан иборат.

Бу йил олий лигада 15, 16, 17 ўринларни эгаллаган командалар 1971 йили «А» классининг биринчи группасига туширилади. Кейинги йилларда эса олий лигада сўнгги икки ўринни олган командалар туширилади.

«А» классининг биринчи группасига қуйидаги 22 та команда киритилади: «Қайрат», «Локомотив» (Москва), «Крылья Советов» (Куйбишев), «Уралмаш» (Свердловск), «Динамо» (Ленинград), СКА (Хабаровск), «Днепр» (Днепропетровск), «Жальгирис» (Вильнюс), «Кубань» (Краснодар), «Рубин» (Қозон), СКА (Киев), «Шахтёр» (Қарағанда), «Текстильщик» (Иваново), «Волгарь» (Астрахань), «Металлист» (Харьков), «Локомотив» (Тбилиси), СССР кубоги эгаси «Карпати» (Львов) ҳамда «Энергетик» (Душанба), «Строитель» (Ашхобод), «Молдова» (Кишинев), «Олга» (Фрунзе) ва «Даугава» (Рига). Бу группадан энг кучли иккита команда 1971 йилда «А» классининг олий лигасига ўтади.

Ўйинлар икки даврада ўтказилади. Мусобақалар олий лигада 15 мартдан, 1-группада 5 апрелдан бошланади.

* * *

ШАХМАТ. Жаҳоннинг собиқ чемпиони Таль ва халқаро мастер Гургенидзе Тбилисида ўтказилган В. А. Гоглидзе хотирасига бағишланган шахмат турнирида ғолиб чиқдилар. Улар 15 имкониятдан 10,5 тадан очко олишди. Гургенидзе халқаро гроссмейстер номини берадиган нормативни ҳам бажарди. Турнирда учинчи ўринни чехословакиялик гроссмейстер Горт эгаллади. У мусобақада бирорта ҳам мағлубиятга учрамади.

ФУТБОЛ. Англия терма командаси Европанинг 1969 йилги энг кучли футбол коллективи деб аталди. «Франс-футбол» журнали тузган анкетанинг натижаси шундай бўлди. Жаҳон чемпионлари ўтган йили ўтказилган 10 та ўртоқлик учрашувидан биттасидагина мағлубиятга учраганлар. Улар Бразилия терма футболчиларига 1:2 ҳисобида ютқазганлар.

ШТАНГА. Германия Федератив Республикасининг штангачиси Рудольф Манг ГФРнинг Белленберг шаҳрида ўтказилган ёшлар мусобақасида иккинчи ўрин олиб вазнда тўртта жаҳон рекорди ўрнатди. У жимда 200,5 килограмм, ривожда 160 килограмм, толчокда 209,5 килограмм натижага эришиб, уч курашда жами 570,5 килограммлик тошни кўтарди. Бу натижа Мангни жаҳонинг энг кучли полвонлари сафига қўшади. Эндигина 19 ёшга кирган бу штангачи Мехико олимпиадасида бешинчи ўринни эгаллаган эди. Ҳозир жаҳон рекордчисининг ўз вазни 120 килограммдир.

СПАРТАКИАДА. 1970—1971 йил қишки мавсумида СССР касаба союзлари VII қишки спартакиадаси ўтказилади. ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети ва иттифоқ физкультура ва спорт комитети ана шу ҳақда қарор қабул қилди. Спартакиада физкультура коллективлари, спорт клублари ва касаба союзлар кўнгилли жамиятларининг спортнинг қишки турларини янада ривожлантириш соҳасидаги ишларига кўрик бўлади.

ИЖОДИЙ ИМТИҲОН

Маданият ўчоқлари жойлашган биноларга киришингиз билан турли стенд, витриналар ва шоҳларга кўзингиз тушади.

Чиндан ҳам бундай кўргазмали агитация воситалари клуб ёки маданият уйларига дид ва файз бахш этади. Бу иш яхши ташкил этилган даргоҳларда маданий-оммавий ишлар намунали йўлга қўйилган бўлади.

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан клубларда энг яхши кўргазмали агитация ташкил этиш ҳаракати кучайиб кетди. Клуб муассасаларида кўргазмали агитация бўйича ўтказилаётган республика қўриғи маданият ходимлари учун ўзига хос ижодий имтиҳон бўлади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва республика рассомлар Союзи томонидан ташкил этилган бу кўрик шу йилнинг охиригача давом этади.

Кўрик ғолибларини тақдирлаш мақсадида мукофотлар белгиланди.

ОДАМИЙЛИК ҚИССАСИ

Тақриз

ЎЛМАС Умарбеков янги асарини «Одам бўлиш қийин»[1] деб атади. Китобга чиройли кириш сўзи ёзган Саид Аҳмад «Мен шуни айтишим мумкинки, роман сизга ёқади. Ҳаяжон билан ўқишингизга ишонаман», дейишда ҳақлидир.

Ўлмас асарларини кузатар экансиз, у ўз қаҳрамонлари учун енгил йўл, осойишта ҳаёт танламаслигини сезиш қийин эмас. Ўлмас «Ҳаёт мураккаб, инсон эса ундан ҳам мураккаб», деган фикрни катта-кичик асарларида уқдиришга ҳаракат қилади. Ҳаётга шундай қараш, идрок этиш янги асарнинг ҳам фазилатини белгилайди.

Асарда асосий қаҳрамон — Абдулла характерининг яратилиши ёзувчи ижодидаги янги муваффақият деса бўлади. Чунки, у ўзбек романчилигида яратилган кўпгина қаҳрамонлардан ажралиб туришидан ташқари, у янги типдаги қаҳрамон ҳамдир. Буни Абдулланинг ҳар бир ҳаракати, фикри, ҳаёли, ўйларида психологик жиҳатдан доим асослашга уринади.

Сиртдан қараганда, Абдулла мукаммал, чиройли бақувват, ақлли, интилувчан, янгилик яратиш иштиёқида ёнган йигит. Ёзувчи буни Абдулла характерига чуқур кириб бориш орқали очиб боради, унинг мақсадларини ҳар тарафлама таҳлил қилади.

Шу билан бирга унинг ҳаётида — фаолиятида содир бўлган хатоларини, Гулчеҳра тақдирида ўйнаган салбий ролини ҳам ишонорли қилиб асослайди. Абдулла ҳеч нарсага енгил қарамайди. У аввалига Гулчехрани чуқур севади ва у билан фахрланиши мумкин эканини билади. «Бу бахт, — ўйларди Абдулла — катта бахт. Ҳар кимга ҳам бу насиб бўлавермайди. Қаердасан. Иньом? Кўр, дунёда тенги йўқ қиз уни севиб қолди. Унинг учун ҳамма нарсага тайёр... Уни ҳаммага қувонч ва фахр билан кўрсатади. Ҳамманинг ҳавасини келтиради». Абдулланинг фожиаси ҳам шунда. У одамлар эътиборида бўлишни, катта обрў ортиришни, ҳаммани қойил қолдиришни ўйлайди. Бундай мақсаднинг нимаси ёмон?

Гап шундаки, у ҳамма нарсага жумладан, севгига ҳам ўз фойдаси, эгоистик нуқтаи назаридан ёндошади. Уни ҳаётида Гулчеҳрадек чиройли қизнинг (ёзувчи Гулчеҳра муваффақиятларини керагидан ортиқ бўрттирган кўринади) ўйнайдиган роли кўпроқ қизиқтиради. Сайёранинг келажаги (ҳар ҳолда унинг отаси — академик) ёрқинроқ кўрингач унга оға бошлайди. Чунки, Абдулланинг келажаги, ижодий муваффақиятлари ҳам унга Сайёра тақдири, унинг отасининг обрўси билан боғлиқ кўринади.

Ёзувчи бу ўзгаришларни доим оппа-осонликча рўй бермаслигини ҳам уқтиради. Абдулла ҳолатида содир бўлган қандайдир қарама-қарши фикрлар, унга тинчлик бермаслигини тасвирлайди. Умуман, Абдулла қаҳрамоннинг фикрловчи намунасидир. Чунки, Абдулла автор талқинида «тамом бўлган», бутунлай салбий шахс эмас. Гулчеҳранинг фожиали ҳалокати муносабати билан унга азоб берган руҳий кечинмалар бунга далил бўлади.

Ўқувчи Абдулланинг энди бошқа бўлишига ишонади, тўтириоғи, умид қилади.

Асарни ўқиб тугатар экансиз, унда тасвирланган воқеаларга, қаҳрамонлар тақдирига лоқайд бўлмайсиз, балки улар тақдирини ўйлайсиз, мулоҳаза юритасиз. Абдулланинг «кўзини очиш учун» хатоларини кўрсатишга ошиқасиз. Гулчеҳрадек ажойиб қизни бегуноҳ қурбон бўлиши ҳаяжонга солади.

Лекин шуниси ҳам борки, Гулчеҳра ҳалокатига бевосита алоқаси бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда беихтиёр, бу фожиага иштирокчи бўлиб қолган академик Турсунали ака ва қизи Сайёрага бўлган автор муносабатини аниқроқ билгингиз келади. Шунингдек, Абдулла, Сайёра ва Пўлатларнинг Ленинградда кечирган ҳаётларига таҳқидийроқ қараш етишмагандек кўринади. Ҳали ота — оналари қарамоғида бўлган студентларнинг ресторанга (кўпроқ Сайёра — ҳисобига) бориб туришлари ёзувчи томонидан «ўз-ўзидан табиий» бир нарсадек тасвирланиши ҳам ўқувчида мулоҳаза уйготса керак.

Хулоса қилиб айтганда, «Одам бўлиш қийин» асари Ўлмас Умарбековнинг ўсиб-улғаяётганидан, маҳорат сирларини тобора эгаллаётганидан дарак беради.

М. СУЛТОНОВА.

[1] Ў. Умарбеков. «Одам бўлиш қийин», Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1969 йил.

АРЧА АТРОФИДА

КИРОВ РАЙОНИДАГИ 5-ЎРТА МАКТАБДА ЯНГИ ЙИЛГА БАҒИШЛАНГАН ЕШЛАР КАРНАВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ. СУРАТДА: КАРНАВАЛ ШОДИЁНАСИ АКС ЭТТИРИЛГАН.

Н. Аъзамов фотоси.

Техника янгиликлари

ТОВУШ ТУМАННИ ЕНГАДИ

Болтиқ денгизида сузиб юрган Польша кемаларига ғалати, қадимий паровоз чинқириғини эслатувчи мосламалар ўрнатилган. Шуниси диққатга сазоворки, улар товушини ҳеч ким эшитмайди.

Бундай мослама ичига икки пневматик турбина ўрнатилган. Унинг парракларн турли томонга айланиб, кучли ультратовуш тўлқинлари оқимини вужудга келтиради. Натижада туман заррачалари бирлашиб, йирик томчилар ҳосил қилади ва ёмғир сингари ёғиб, олис масофаларни кўриш имконини туғдиради.

ШИША ПЛАСТИНКАДАН ИШЛАНГАН МАЕҚ

Ғарбий Германия инженерлари томонидан ихтиро қилинган жаҳонда ягона ҳисобланувчи пластмасса миноралари Эльба дарёси соҳилига ўрнатилган. Баландлиги 20 метрлик бу миноралар маёқ хизматини бажаради. Улар синтетик елим билан бир-бирига ёпиштирилган ўнтўртта цилиндрдан ташкил топган. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай элементлар ёрдамида турли баландликдаги иншоотларни тезда қўлдан чиқариш мумкин.

Шиша пластикадан ишланган бундай маёқлар обҳаво ўзгаришларига чидамли бўлиб, темирбетонга нисбатан анча арзон тушади.

ЭЛЕКТРОН ТУЗОҚ

Японияда рангли телевизордан фойдаланиш ниҳоятда қимматга тушади. Шунга кўра, кўпгина телевизор эгалари уни рўйхатдан ўтказишмайди. Солиқ йиғувчи фирмалар эса бу ўринда айёрлик ишлатишга мажбур бўдилар.

Эндиликда вақти-вақти билан кўчаларда акустик сигналларни қабул қилувчи асбоб билан қуролланган назоратчилар юришадиган бўлиб қолди. Индикатор сигнал импульслари қаердан чиқаётганини бехато кўрсатиб беради. Бундай сигнал берувчи мослама эса олдиндан ҳар бир телевизорга ўрнатилган бўлади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

НАФОСАТ ЯРАТУВЧИЛАР

Ҳашаматли биноларнинг салобати ва нақшин безакларида ҳам, маданият обидалари сайқалида ҳам, шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугунги жамолида ҳам буларнинг чуқур зеҳни ва қалб илҳоми бор. Қайноқ меҳнат завқи билан яшаётган, кишиларимизда нафосат завқи уйғотаётган шундай ижодкор касб эгалари бор...

Мемор деб ном олган бу илҳомга тўла касб эгалари! Ўзбек меъморчилиги қадимий анъанага эга. Бугунги кунда минг йиллик кўҳна санъат тарихини яратган меъморларимиз эстафетаси ишончли қўлларда. Ҳар йили уларнинг сафига умидли, зеҳндор ва истиқболли ёш архитекторлар отряди келиб қўшилади. Булар Тошкент политехника институти архитектура факультетининг битирувчилари, дипломантлари...

Роппа-роса 40 йил бўлди кадрлар ўчоғи иш бошлаганига! Қанчадан-қанча муносиб ижодкорлар етишиб чиқарди бу даргоҳ!

Бугунги кунда факультетнинг овозаси мамлакатимизда, қолаверса чет элларда ҳам ёйилган. Факультет ижодий архитектура мактаби яратолганлиги билан ҳам фахрланса арзийди.

— Архитектура факультети мутахассис кадрлар тайёрлашда катта ишлар қилди, — дейди кафедра мудири профессор А. Бобохонов, — Республикамизда таълим олган архитекторларни Урта Осиё республикаларида ва бошқа қардош ўлкаларда кўплаб учратасиз. Бир группа архитекторларимиз монументаль лойиҳа ишларига қўл урдилар. Бу ижодий меҳнатнинг кўпи иттифоқ миқёсида эътироф этилди. Тошкентдаги Санъат саройи ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети маъмурий биносининг лойиҳаларини мукаммал яратганликлари учун уларнинг ижодкорларига Ҳамза мукофоти берилди. Ўз ишига омил бундай ижодкорлардан иборат авторлар группаси шаҳримизнинг марказий қисмида қад кўтарадиган биноларнинг бош планини ишлаб чиқишда қатнашди.

Биз моҳир архитектор билан архитектура мактабининг шаклланиши ва равнақи ҳақида ҳам суҳбатлашамиз.

— Бизда бўлажак архитектура мутахассислари шу яқин йилларгача политехника институти қурилиш факультетининг бир бўлимида тахсил кўришардн, — дейди профессор. —Турган гап, ўшанда қурилиш саноатининг турли тармоқларида мустақил иш олиб борувчи архитекторларнинг етишиб чиқишига эришиб бўлмас эди.

Кадрлар ўчоғи фаолият доирасини кенгайтириш заруриятн туғилди. Ҳаёт тақозоси билан архитектура бўлими мустақил факультетга айлантирилди. Шундай қилиб, граждан қурилиши, саноат соҳасида ҳамда ободонлаштириш бўйича малакали архитекторлар етиштириш учун замин яратилди. Ўз ишини яхши биладиган, замон билан ҳамнафас кадрлар тайёрлаш учун кураш қатъий шиорга айланди. Бўлажак касб эгалари ўртасида мустақил ижодий меҳнат учун кенг имконият яратиб берилди. Ўқувтажриба иштларини яхшилаш борасида кўрилган қатор тадбирлар ўз самарасини берди.

Студентларнинг мустақил ишлари оғизга тушадиган бўлиб қолди. Биргина 1963—1964 ўқув йилининг ўзида факультетда ўндан ортиқ оригинал лойиҳалар устида иш олиб борилди. Буларнинг аксарияти ўзига шонли йўл топди.

Студентларнинг диплом ишлари асосида кўргазма ташкил этилди. Энг яхши лойиҳалар республика архитектура союзи томонидан маъқулланди. Дипломантлар Москва ва Киевда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ ёш архитекторларнинг конкурсига қатнашдилар. дипломлар ва мукофотлар билан тақдирландилар.

Дипломант К. Мирзааҳмедова 1963 йили Москвада ўтказилган конкурс ғолиб бўлиб қайтди. Истеъдодли ёш ижодкор «Мирзачўлдаги совхоз посёлкаси» диплом иши учун иккинчи даражали диплом олди. Айни бир вақтда у СССР даги архитектура мактабининг энг яхши студенти деган ном эгаси бўлди. Ўша йили Гаванада чақирилган жаҳон архитектура союзининг конгрессига қатнашди.

Шундан бери факультет дипломантлари иттифоқ миқёсидаги конкурс қатнашчилари бўлиб келмоқдалар. Дипломантлардан Д. Тошматова, Н. Ивановлар Москвада ўтказилган 1964 йилги конкурс ғолиби бўлишган. 1965 йилги конкурс Н. Содиқова катта қувонч келтирди. Кейинги йилда Н. Муродов, Л. Хабибулина ва бошқа ёш архитекторлар ижоди учун кўрик бўлди. Ўша йили беш студент ғалаба билан қайтди.

Ёш архитекторларнинг бу йилги Бутуниттифоқ конкурси Новосибирскда ўтказилди. Ёш архитектор Б. Боймуҳамедов яратган лойиҳа конкурси жюриси аъзолари эътиборини ўзига тортди. Дипломант Тошкент шаҳрининг спорт комплекси лойиҳасини чизган эди. У икки хил спорт майдони қуришни тавсия этди. Усти ёпиқ спорт иншооти пойтахтнинг Тельман номли маданият ва истироҳат боғи этагида қуриш учун мўлжалланган. Салор анҳори ёқасида эса усти очиқ стадион, волейбол ва теннис майдончалари жойлашади. Жюри қарори билан ўзбек йигити яратган лойиҳага конкурснинг иккинчи мукофоти берилди.

Институт дипломантларидан Т. Зимакова, М. Шполянский, Д. Ўрмонова, М. Абдураҳимов ва бошқа ижодкорлар ҳам янги иншоотлар қурилиши бўйича лойиҳалар тузган эдилар. Бу ёш архитекторлар ҳам конкурсда ғолиб чиқдилар.

Ҳа, факультет фаолияти кенг қанот ёзган. Ҳали кўриб турасиз, ёш архитекторлар мактаби шонли анъаналар яратади. У ўзбек меъморчилик санъати тараққиётига муносиб улуш қўшади.

А. АЛИЕВ.

ОЛТИН ТЎЛА ШИША

Янги йил арафасида Липецк милиция бўлимига бир хат келди. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Чаплигин шаҳридаги хонадонларнинг бирида собиқ савдогар Михайлов қимматбаҳо бойлик кўмиб қўйган»...

Милиция ходимлари дастлаб бу хатни янги йил ҳазили эмасмикан деб ўйлашди. Бироқ текшириш натижасида хат автори ҳақиқатни ёзгани аниқланди. Текширув бошланди. Михайлов яшаб турган уйнинг ҳовлиси қазиб кўрилди. Тез орада ер остида бир кувача топилди. Унинг ичи қоғоз пулларга ва чет эл векселларига тўлдирилган эди. Кувачанинг тагида эса шиша топилди. У олтин тангаларга тўлдирилган эди.

Топилган бойликнинг ажойиб тарихи аниқланди. Липецкка Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда савдогар Михайлов ўзи яшаб турган уйнинг ҳовлисига қимматбаҳо буюмларни ва пулларни кўмиб шаҳардан қочиб кетган эди. Кейинчалик бу бойликни олиб кетиш мақсадида уйга қайтиб келганида кираверишда тахтачага ёзиб қўйилган қуйидаги сўзларга кўзи тушди: Михайлов, аллақачон бу шаҳардан ғойиб бўлган, Унинг уйида кўмиб қўйган бойлигини эса яқинда узоқ қариндошининг қизи билиб қолган. Милицияга хат йўллаган ҳам ана шу қиз бўлади.

Липецк шаҳри, ТАСС мухбири.

«ЮЛДУЗ» тикувчилик фирмаси чеварлари ўтган хўжалик йилини муваффақиятли якунладилар. Улар янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб янада самарали ишлашаяпти. Суратда: мастер Ф. Челека (чапдан) смена бошлиғи М. Бухороева ва контролер М. Шокирова ўртоқлар янги тикилган костюмлар сифатини текшириб кўришмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
УҚУВЧИЛАРНИНГ ҚАНИКУЛ КУНЛАРИДА

11.00 — **Кўрсатувлар программаси.**

Ўзбек тилида: 11.05 — Д. Гринвуд. **Жулдур кийимли бола** (2-қисм), 12.00 — **Этик кийган мушук** (Навоий номли Давлат академик катта театридан олиб кўрсатилади), 17.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Телеянгиликлар**, 18.15 — **Аҳил оилада** (болалар учун), 18.45 — **«Здоровье».** Илмий оммабоп программа, 19.25 — **Кўрсатувлар программаси.**

Ўзбек тилида: 19.30 — Ҳ. Ғулом. М. Левиев. **Ажаб савдолар** (Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театридан олиб кўрсатилади).

22.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
13.00 дан — **Москва кўрсатади.**
18.00 дан — **Фрунзе кўрсатади.**
20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **Ленинград зарбхонаси** (ҳужжатли фильм), 20.20 — **Тошкент истиқболи.**

Рус тилида: 20.40 — **Солдат дўсти** (ҳужжатли фильм), 21.00 — **Эстрада концерти**, 21.30 — **Чўчқа боқар қиз ва чўпон** (бадиий фильм.)

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/I да **Этик кийган мушук** (кундузи). **Тўй кунида** (кечқурун), 9/I да **Оққуш кўли** (кундузи), **Масхарабозлар ва концерт бўлими** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/I да **Алишер Навоий** (кундузи), **Бўрон қуши** (кечқурун), 9/I да **Мария Стюарт** (кундузи), **Бой ила хизматчи** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/I да **Ажаб савдолар** (кундуз ва кечқурун), 9/I да **Қайнона** (кундузи), **Фарғона тонг отгунча** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/I да **18 ёшлигим** (кундуз соат 4 да), 9/I да **Освенцим жаллодлари** (кеч соат 7 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ЦИРКДА АРЧА» янги программа.** Кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да.

КИНО

Эр-хотиннинг уруши... — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5.15 ва кеч 8.30 минутларда).

Манек қироли (эрталаб соат 11, кундуз 12 яримда), **Она муҳаббати** (кундуз соат 2 да); — САНЪАТ САРОЙИ.

Зўрани жосус (2-серия)— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

УЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА
В. Титов ва К. Миленко асари Х. Рўзиматов таржимаси. «ДОҒДА ҚОЛДИРИБ»
2-парда 7 кўринишли драма
Постановначи режиссёр — В. И. РАДУН.
Рассом — С. М. ЗИЯМУҲАМЕДОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАССАЖИРЛАРНИ ТАШИШ АВТОТРЕСТИГА

4—5 разрядли рассом, 3—5 разрядли такелажчилар, электр соат бўйича мутахассислар, 4—5 разрядли электр монтёрлар, нормировка бўйича инженерлар, автобус линиялари диспетчерлари (сменали), I—II класс шофёрлари, кондукторлар

КЕРАК

Ишга қабул қилинганлар шаҳар автобусларида бепул юрадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 31 уй, кадрлар бўлими.

1970 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ОЙИДАН ҳафтада бир марта чиқадиган **«ЭКРАН ЯНГИЛИКЛАРИ»** газетасига **ОБУНА БОШЛАНАДИ**

Газета саҳифаларида Тошкент шаҳар, Тошкент ва Сирдарё областлари экранларида намойиш қилинадиган фильмлар репертуари, янги фильмларга аннотациялар, репортажлар бериб борилади.

Обуна баҳоси — 6 ойга 54 тийин.

Обуна «СОЮЗПЕЧАТЬ»нинг ҳамма бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРДА НАШР ЭТИЛАЁТГАН КИНО ЖУРНАЛИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Журнал саҳифаларида янги фильмларга аннотация ва рецензия, киностудиянинг съёмка майдонларидан репортажлар, сценаристлар, режиссёрлар, операторлар, актёрларнинг ижодий портретлари, Ўзбек киноси тарихидан материаллар бериб борилади.

Обуна баҳоси: бир йилга — 1 сўм 20 тийин.

Бир сони — 10 тийин.

«СОЮЗПЕЧАТЬНИНГ» ҳамма бўлимларида чекланмаган ҳолда обуна қабул қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Г. 1554. ИНДЕКС — 64697 Р. — 01116